

«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ ЮТИБ ОЛИНГ!



24.

@Xolisnazar

@Xolis_nazar

www.mahalladosh.uz

Mahalla



№ 33
(2015)

2021 йил 14 август



ҚАРОВСИЗ УЙ-ЖОЙЛАР ЕТИМ БОЛАЛАРГА БЕРИБ КЕЛИНГАН

2.

МАКТАБ ЎҚУВЧИСИГА ИМТИЁЗ АДОЛАТДАНМИ?

12.



ЖАЗО МУҚАРРАР БЎЛСА, МАНФААТЛАР ТЎҚНАШМАЙДИ

15.

«SOLIQ»
мобил илова



НЕГА ОДАМЛАР СОЛИҚ РЎЙХАТИДАН ЎТИШГА ЧЎЧИШАДИ?


19.

ЖАМИЯТ ЖУРНАЛИСТНИ ҲИМОЯЛАШДА БИРЛАША ОЛАДИ...(МИ?)



8.

МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР БАНКЛАРНИ ЖАРЛИККА ЭЛТАДИ...(МИ?)



14.



ХОРИЖ СЕРИАЛЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ БИЛАН НИМАДИР ЎЗГАРАДИМИ?

23.

Ўтмишда ўзбек халқи ота-онаси майиб-мажруҳ бўлиб қолса ёки вафот этса, унинг дилбандини кўчага чиқариб қўймас, ўз боқувига олар эди. Афсуски, «Меҳрибонлик» уйлари ана шу инсоний муносабат бир қадар йўқолгани тўғрисида пайдо бўлган муассасадир.

ҚАРОВСИЗ УЙ-ЖОЙЛАР

ЕТИМ БОЛАЛАРГА БЕРИБ КЕЛИНГАН

Фаровонлик ошгани, яшаш учун енгилликлар кўпайгани сари етимлар сони ҳам ошиб бораётгани «тўқликка шўхлик»дан далолат бермаяптими, деб ўйлаб қоласан киши...

Рақамларга юзлансак: бугунги кунда 13 та Болалар уйида 560 нафар, 16 та «Меҳрибонлик» уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасида 1 минг 823 нафар, 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг нафар ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 79 минг нафар болалар ҳомийлик, васийлик ва оила патронати қарамоғига олинган. «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларининг 17 фоизи чин етим, қолган 83 фоизи эса ота-онаси ёки яқин қариндошлари воз кечган болалар ҳисобланади.

Савол туғилади: нима учун фарзандни дунёга келтирган ота-она андишани бир четга йиғиштириб қўйган ҳолда уни давлат тасарруфидаги муассасага топширади? Бу ўринда бир жиҳат кишини ташвишга солади — фарзандини «Меҳрибонлик» уйларига топширганларнинг асосий илинжи давлат томонидан етимларга бериладиган имтиёزلарга «илиниш» мақсадидир. Зеро, муассасада тарбияланган ва вояга етган ҳар бир тарбияланувчига ўзини тўлиқ тиклаб олиши учун катта миқдорда ёрдам пули берилади, уларга яшаши учун уй-жой ажратилади. Афсуски, айрим ҳол-

ларда ота-она аини шу мақсадда, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир», деганларидек, боласини «Меҳрибонлик» уйига топширишдан уялмайди. Унга боланинг пули ва уй-жойи керак.

Шундай деймизу, тарбияланувчиларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам доим ҳам ижобий ҳал этилмаяпти. Жумладан, сўнги ўн йилда «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларининг 51 фоизига уй-жой ажратилган. «Меҳрибонлик» уйларидан чиққан йигит-қизларнинг 64 фоизи иш билан таъминланган. Таълим-тарбия сифати ҳам юқори эмас. Кўп ҳолларда битирувчиларнинг тўсатдан катта ҳаётга ўтиши қийин кечади. Улар ижтимоий яққаланиб, уйсиз ва ишсиз бўлиб қолиши, жиноятчига айланиши, руҳий саломатлигининг бузилиши ва ҳаттоки, ўз жонига қасд қилишгача бориши мумкин. Қолаверса, мустақил ҳаёт кўникмалари мавжуд бўлмагани натижасида улар жамиятга тайёр бўлмаган ҳолда чиқарилади. Хўш, нима қилиш керак? Уй-жой ва ижтимоий ҳимоя масаласи қандай ҳал этилади?

Мутлақо яроқсиз уйлар ажратиларди...

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 июль куни пойтахтимиздаги 21-«Меҳрибонлик» уйига ташрифи, шу



куни ўтказилган аини масаладаги видеоселектор йиғилишида юқоридаги масалалар ечимига қаратилган қатор таклифлар илгари сурилди. Шу асосда куни кеча Президент **«Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорни қабул қилди.

— Қарорга кўра, 2021 йил 15 августдан уй-жойга муҳтож ва 18 ёшга тўлган етим болалар учун (майдо-ни 25 квадрат метрдан кам бўлмаган) **1 хонали**, улар ўртасида оила учун (50 квадрат метрдан кам бўлмаган) **2 хонали** уйлар ажратилади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамажонов**.

— Уй-жой етим боланинг хоҳишига кўра, унинг қариндошлари яшайдиган ёки бошқа ҳудудда янги қурилган кўп квартиралардан, **ногиронлиги бўлган етим болаларга эса учинчи қаватгача «онлайн навбат»** (2022 йил 1 сентябрдан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри») асосида ажратилади. Болаларга уй-жойлар мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи билан, бироқ бола **30 ёшга тўлгунча уни сотиш, гаровга қўйиш, ижарага бериш, оила аъзоси бўлмаган шахсларни рўйхатга қўйиш ҳуқуқисиз берилади.**

Қарорга кўра, 2021 йил 1 декабргача уй-жойга муҳтож 757 нафар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар уй-жой (охирги 10 йилда ажратилган уй-жойлар сонидан 1,2 баравар кўп) билан таъминланади. Бунда квартиралар ҳокимликлар томонидан бирламчи бозордан харид қилинади. Бирламчи бозорда мезонларга мос келадиган квартиралар мавжуд бўлмаганда, ҳудудий «Халқпарвар» комиссиялари ҳулосасига асосан, квартиралар иккиламчи бозордан сотиб олиниши мумкин.

Маълумот ўрнида, 2011-2020 йилларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан 610 нафар етим болаларга уй-жой берилган. Бунда ушбу уй-жойларнинг 147 таси жорий, 15 таси капитал таъмирга муҳтож, 1 таси яшаш учун мутлақо яроқсиз ҳолатда ва 10 таси белгиланган ижтимоий нормаларга тўғри келмайди. Ҳозирда етим болалар учун уй-жой бўш турган ётоқхона ва қаровсиз қолган уй-жойлардан ажратиб келинмоқда.

Стипендия тўловлари оширилади

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 1 сентябрдан улар давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга **навбатга**

ДАРВОҚЕ...

Президентнинг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига кўра, эндиликда **«Меҳр дафтари»** тизими жорий этилади. 1 ноябрдан «Меҳр дафтари»га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил этилади.

қўйилмаган ҳолда жойлаштирилади.

Техникум, коллеж, академик лицей ёки ОТМда ўқиётган даврида хар ўқув йилида **бир маротаба** ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун **БҲМнинг 5 баравари** (1 млн. 225 минг сўм) миқдорда субсидиялар ажратилади.

Яна бир муҳим жиҳат: ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг тегишли йўналишлар бўйича курсларда ўқиш харажатлари **бир йилда БҲМнинг 20 бараваригача** (4 млн. 900 минг сўмгача) миқдорда компенсация қилинади. Ўқишни давлат ОТМларида давом эттирганда уларга **стипендия тўловлари 50 фоизга оширилган ҳолда** тўланади.

2021/2022 ўқув йилидан ОТМга аби-туриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан SOS – болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчилари, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар (25 ёшга тўлмаган) учун қўшимча равишда **1 фоизгача давлат гранти** асосидаги қабул квоталари ажратилади. 2021 йил 1 сентябрдан бундай тоифадаги болаларга «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури

доирасида **кредитлар навбатсиз берилади.**

Операция харажатлари тўлиқ қопланади

Бугунги кунда васийлик ва ҳомийлик органларида 79 минг бола рўйхатда туради, шундан 35 минг нафари фарзандликка олинган. Юқоридаги қарор билан эндиликда етим болаларни яқин қариндошлари **навбатсиз** фарзандликка ёки оилага тарбияга (патронатга) олиши ҳуқуқи берилади. Васийлик ва ҳомийликка олган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган оилаларга ушбу болалар 18 ёшга тўлгунча қадар **БҲМнинг 5 баравари (1 млн. 225 минг сўм)** миқдорда моддий ёрдам пули тўлаш амалиёти жорий этилади.

Ногиронлиги бўлган болаларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларга тўланадиган тўловлар **БҲМнинг 10 бараваригача (2 млн. 450 минг сўмгача)** етказилади. Шунингдек, оғир касалликка чалинган болаларнинг хорижий давлатлардаги жароҳлик операциялари билан боғлиқ харажатлари тўлиқ миқдорда компенсация қилинади.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ тайёрлади.



Бугун республикамизнинг аксарият маҳаллалари оғир аҳволда – ишсизлик даражаси юқори, аҳоли даромади паст. Баъзи маҳаллаларда «ўсиш нуқта»лари аниқланиб, бирор йўналишга ихтисослашмагани сабабли аҳоли ҳам ўз билганича ҳаракат қилишмоқда.

«АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ» ЎЗИНИ ОҚЛАДИМИ?

Хабарингиз бўлса, Президентимизнинг жорий йил 18 июнь куни Андижон вилоятига ташрифи чоғида вилоят ривожига кучли туртки берадиган янги «ўсиш нуқта»ларини шакллантириш ва тўлиқ ишга солиш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича асосий йўналиш ва вазифалар белгилаб олинган эди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқларидан келиб чиқиб, «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш асосида, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича «Андижон тажрибаси» яратилди. Бунда ҳар бир маҳаллада аҳолининг азалдан шаклланган меҳнат кўникмасидан келиб чиқиб, энг самарали «ўсиш нуқта»лари сифатида – ҳунармандчилик, томорқа ва иссиқхона хўжалиги, боғдорчилик, гулчилик, паррандачилик каби йўналишлар белгилаб олинди.

Албатта, бунда маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга кирилиб, аҳолининг турмуш шароити, истак-хоҳиши ва имкониятлари ўрганилди. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагида бўлганларга тайёр бизнес-режа қилиб берилди.

Умуман тадбиркорлик қўлидан келмайдиган оилаларга эса 100 тадан товуқ берилмоқда. Бундай тадбиркорларга банклар томонидан 3 йил муддатга 10 фоиздан кредит ажратилиб, улардан гаров талаб қилинмайди. Ана шу мақсадлар учун 200 та маҳаллага 400 млрд. сўм (ҳар бир маҳаллага 2 миллиард сўм)дан маблағ ажратилди.

Бу ишлардан кўзланган бирдан-бир мақсад – аҳоли банд-

лиги ва даромадини ошириб, вилоятни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш эди.

Қувонарлиси, бугун «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш асосида «оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни янада



қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашув – «Андижон тажрибаси» ўзини оқлади. Шу боис Президентимизнинг 5 августдаги «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат асосида «Андижон тажрибаси»ни республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этиш учун давлат улушига эга бўлган тижорат банкларига 100 млн. АҚШ доллари ажратилади. Ушбу маблағлар «маҳаллабай» ишлаш тизими асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 500 та «оғир» маҳаллада тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий коопера-



цияларни кенгайтириш мақсадида берилади.

«Оғир» маҳаллалар қандай танлаб олинади?

«Оғир» маҳалла – секторлар томонидан ўрганиш давомида аниқланган ижтимоий аҳоли оғир ва ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ихтисослашуви бўлмаган маҳаллалар ҳисобланади. Туман ва шаҳар сектор раҳбарлари «оғир» маҳаллаларни бир қатор босқичларда аниқлашади.

Масалан, **биринчи босқичда** ҳар бир хонадон ўрганилиб, 3 тоифага ажратилади. Биринчи тоифа намунали хонадон бўлиб, унга даромади юқори, ўзгалар ёрдамига эҳтиёжи бўлмаган бир ёки ундан кўп оила яшайдиган хонадонлар киритилади. Иккинчи тоифа ўрта хонадон – жонбошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори бўлса-да, оила

юқори бўлган маҳалладир.

«Оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастлаб, маҳаллалардаги ҳар бир хонадонда аҳолининг турмуш шароити, хоҳиш-истаги



аъзолари орасида ишсиз ёки тадбиркорлик фаолиятини истаги бор хонадон. Учинчи тоифа эҳтиёжманд хонадон – жонбошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам, оила аъзолари ичида меҳнатга лаёқатли бир ёки ундан кўп ишсизлар мавжуд хонадон.

Иккинчи босқич: хонадонларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллалар 3 тоифага бўлинади. Биринчи тоифа **намунали маҳалла** бўлиб, жами хонадонлар сонига нисбатан намунали хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳалладир. Иккинчи тоифа **ўрта маҳалла** бўлиб, унга ўрта хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳаллалар киритилади. Сўнги тоифа **«оғир» маҳалла** – жами хонадонлар сонига нисбатан эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан

ва имкониятлари ўрганиб чиқилади. Сўнгра маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун «ўсиш нуқталари» аниқланади. «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, ҳар бир тадбиркорлик йўналишига салоҳиятли «етакчи» тадбиркорлар бириктирилади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган аҳоли эса «етакчи» тадбиркорларга бириктирилади ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилади (тадбиркорликка ўқитиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит ажратиш ва бошқа масалалар).

Хўш, «етакчи» тадбиркорлар кимлар? Улар қандай танлаб олинади?

«Етакчи» тадбиркорлар етарли тадбиркорлик тажрибасига ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолияти маҳалла ихтисослашувига мос бўлган, хонадонларни кооперация асосида юқори даражада қамраб оладиган, «оғир» маҳаллаларда ўз бизнес-

сини ривожлантириш дастурига эга бўлган тадбиркорлар орасидан танлаб олинади.

Кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 3 йил муддатга йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмга маблағ ажратилади. «Етакчи» тадбиркорларга Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредит суммасининг 75 фоизи миқдоригача кафиллик берилади.

Шунингдек, «етакчи» тадбиркорларга кооперация асосида ишлаётган фуқаро томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) маҳсулотларни сотиб олиш ёки шартномага асосан фуқарога ойлик иш ҳақи тўлаш шarti ўрнатилади.

Кўриниб турибдики, мақсадлар аниқ – маҳаллаларда аҳоли бандлиги ва даромадини ошириб, ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш. Шу боис бугун «маҳаллабай» ишлаш тизими асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган «оғир» маҳаллаларда «Андижон тажрибаси» амалиётини кенг татбиқ этишга киришилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Низомини ҳам қабул қилинди.

Энди барчаси масъулларнинг масъулиятига, кредитларнинг шаффоф тақсимланишига ва мақсадли сарфланишига боғлиқ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЖЖАТЛАРИ НЕГА ҚОНИҚАРЛИ БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Давлатимиз раҳбари томонидан халқимизга фойда келтирадиган, мамлакат тараққиётига йўл очувчи қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Агар уларда белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилганда эди, ҳаётимизда учраётган кўплаб муаммолар бартараф этилиб, юртимизнинг ривожланиш суръатлари тезлашган бўларди.

Албатта, юз бераётган ижобий ўзгаришларни инкор этолмаймиз. Аммо кўзда тутилаётган кўплаб хайрли чора-тадбирлар кўнгилдагидек бажарилмаётгани баъзи ҳолларда одамларнинг ишончсизлигига сабаб бўляпти. Нега бизда ижро масаласи қониқарсиз? Бу саволнинг жавоблари турлича. Давлат идораларида коррупция авж олган, бюрократияга мойиллик кучли, топшириқлар ҳаддан ташқари кўп ёки бир-бирини инкор этади ва ҳоказо.

Президентимизнинг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқарувчи органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилингандан буён ҳам олти ой вақт ўтди. Хўш, фармон асосида қандай ишлар амалга оширилди ва натижа нима бўлди?

Ҳуқуқий-услубий кўмак

— Бирор вазифани бажариш учун, аввало, унинг моҳиятини яхши тушуниш, амалга ошириш усулларини билиш талаб этилади, — дейди **Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Элдор Маҳкамов**. — Шу нуқтаи назардан вазирлигимиз масъул ходимлари фармоннинг мазмун-моҳияти юзасидан давлат органлари ва аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишлари олиб боришди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича вазирликлар, идоралар ва ҳўжа-



лик бирлашмаларида, шунингдек, барча ҳудудларда ҳокимликлар, давлат органлари ҳудудий бўлинмалари масъул раҳбар ва ходимлари учун топшириқлар ижросини «вилоят – туман – маҳалла» тизими асосида ташкил этиш борасида амалий семинарлар ўтказилди. Уларда 15 мингга яқин раҳбар ва мутахассис ходим иштирок этди.

Адлия вазирлигининг ушбу йўналишдаги вазифаси давлат органларига ижронини амалга оширишда ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш билан боғлиқ. Шунга кўра, ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари вазирликлар, идоралар ҳамда ҳокимликларнинг ижро интизомига масъул бўлган ходимларига топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича амалий ва услубий кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Аҳамиятлиси, адлия органининг қўйи тизими орқали топшириқлар ижросини жойига чиқиб амалда назорат қилиш, ўрта ва қўйи бўғинларда ишларнинг реал ҳолати, муаммоларнинг асл сабаблари ўрганилиб, ҳуқуқий-услубий кўмак берилди.

Назорат тизими қандай йўлга қўйилган?

Президент ҳужжатлари ва топшириқларининг ижроси юзасидан бешта босқичдан иборат назорат тизими йўлга қўйилган. Ҳар бир қабул қилинган

чилик эшитувлари бугунги кунга қадар Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Энергетика вазирлиги ҳамда Фарғона вилоятидаги давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида манзилли ва тематик ўрганишлар натижаси бўйича ўтказилди.

Сифатли ҳужжат — самарали ижро пойдевори

— Айрим ҳолларда ижронинг қониқарсизлигига ҳужжат лойиҳа сифатида кўриб чиқилган пайтда етарлича молиявий-иқтисодий, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмагани ҳам сабаб бўлади, — дейди **Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Алибек Раҳметов**. — Шу боис «Сифатли ҳужжат — самарали ижро пойдевори» тамойили асосида лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш жараёни йўлга қўйилди. Хусусан, ҳужжатлар лойиҳа босқичида эканидаёқ ижро этилмаслик хавфи нуқтаи назардан экспертизадан ўтказилмоқда. Мазкур топшириқлар кўламини уларни бажариш юклатилаётган давлат идоралари имкониятларига қандай мос келиши, бундан ташқари, топшириқни бажариш учун молиявий ва бошқа ресурслар мавжудлиги, ўша муҳитда, тизимда етарли ижтимоий инфра-тузилма борми-йўқми — барча-барчаси комплекс экспертизадан ўтказилади. Ўтган олти ойда вазирликка келиб тушган 878 та лойиҳа экспертизадан ўтказилган бўлса, 250 таси камчиликлари сабабли қайтарилди. Айни пайтда экспертиза жараёни янада такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида

Албатта, мазкур

чора-тадбирлар бирданига натижасини кўрсатиши, яъни ижро интизоми яхшиланиб қолиши қийин. Лекин давлат органларида ҳужжатлар ижросига муносабат қай даражада ўзгарди, қанча муддатда ижобий натижа кутилиши мумкин, деган саволларга жавоб йўқ. Жавоб бўлганда ҳам бировнинг ишониши мушкул. Чунки амалда бунга асос бўладиган ўзгариш кўзга ташланмаяпти. Янгилик сифатида ташкил этилган тизимларда ҳам ишлар эски услубда давом эттириляётганига гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, Халқ қабулхоналари фуқароларнинг муурожаатларини у ёки бу идорага йўллаш билан машғул бўлаётир. Давлат хизматлари марказлари эса маълум тўлов эвазига ташкилотларга сиздан бирор масалада ариза қабул қилади, лекин муурожаатингиз қонунда белгиланган муддатда ҳал қилинадими-йўқми иши йўқ. Ҳолбуки, олдинлари ҳеч қандай пул тўламай туриб ўша ташкилотга тўғридан-тўғри муурожаат қилишингиз ва унинг ечими бўйича аниқроқ жавоб олишингиз мумкин эди.

Бу ерда энг асосий гап ижро интизомига риоя қилмаганлик учун қатъий жавобгарликнинг йўқлигида, десак хато эмас. Албатта, бу борада топшириқларни бажариш имкониятини ҳисобга олиш лозим. Чунки адолатсиз жазо ишларнинг яхшиланишига эмас, балки орқага кетишига хизмат қилади. Аслида кўплаб вазифаларнинг бажарилмаслиги ҳам ана шу омилга боғлиқ бўлмоқда.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ, АММО... МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ БОЛА ЭМАС-КУ?

Касбимиз тақозосига кўра ҳар кунни ўнлаб раислар билан суҳбатлашамиз. Аксарияти бир таклифни ўртага ташлайди. Тизимда ходимларга юкланган иш кўламини ҳисобга олиб, қўшимча штат ажратиш ёки мавжуд жамоатчилик асосида ишлаётган ходимларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш.



Чиндан ҳам тўғри таклиф. Аммо қўшимча штат ажратиш масаласи бугунги кун талабидан имконсиздир. Шу боис жамоатчилик асосида ишлаётганларни рағбатлантириш таклифини ўйлаб кўра бўлади. Ахир, ростан ҳам бекорга мушук офтобга чиқмас деганларидек, жамоатчилик ходими ўз номига мос ишлайди. Қолаверса, маҳалла раиси ҳам унга ортиқча топшириқ бера олмайди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги айтиши шу масалада ўтган йили яхши таклиф билан чиққан эди. Шу асосида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 февралда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлими **ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг еттинчи санасига қадар** тавсия этилган кўчабоши ва уйбошилар рўйхатини шакллантириш ва уларга чорак давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизи** миқдоридан ҳар ойлик компенсация пул тўловларини тўлаб бериш ҳамда зарур маблағни ажратиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларига юбориши белгиланди.

Шунга асосан, туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг ўн бешинчи санасига қадар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлиmlарининг махсус ҳисобварақаларига зарур маблағни ўтказиб бериши керак эди.

Ва ниҳоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлиmlари кўчабоши ва уйбошиларига кейинги чорак давомида ҳар ойнинг йигирманчи санасига қадар коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизи** миқдоридан **компенсация пул тўловларини тўлаб бериши кўрсатилгани.**

Хўш, жорий йилнинг 1 мартдан кучга кирган бу қарор жойларда ижро этилди?

Бу саволга жавоб олиш учун Маҳалла

ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутасаддилари билан боғландик. Афсуски, тайинли жавоб олиш у ёқда турсин, ҳатто, бу иш билан шуғулланганидан масъулларни топишнинг ўзи муаммога айланди.

Мана шу жараёнда Президентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизimini янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва бюджет ташкилотларининг моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан **2020 йил 1 июлдан** бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошига **30 фоиз** қўшимча махсус устама тўлаш ҳамон ходимларга армон бўлиб қолаётгани ёдга тушяпти.

Қизиқ ҳолат,

қарор бору ижро йўқ. Ижрога масъул аниғу, масъулиятни олувчи йўқ. Бундан қандай хулоса яшаш мумкин?

Энг қизиғи, бу устама тўловлар республикада кузатилган пандемия муносабати билан жорий йилнинг январь ойидан бошлаб тўлаб берилиши белгиланган бўлса-да, ҳозиргача аксарият ходимлар устама пуллари орзусида яшашмоқда. Ёки алдагани бола яхшими? Ахир маҳалла ходимлари бола эмас-ку?

Ўрни келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим топдим. Балки юқоридаги қарор ижроси бўйича вазирлик ўзига юклатилган вазифани бажаргандир. Аммо тизимнинг юқори органи сифатида маҳалла ходимлари манфаати йўлида қарор ижросини охирига етказилишини назорат қилиши тўғри эмасми?

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«БАНКНИНГ НАҚД ПУЛ ЎРНИГА БЕРГАН БУЮМИ БОЗОРДАГИДАН ҚИММАТ»

2019 йилда маҳалламиз аҳолисининг **80 фоиз** қўллаб-қувватлови асосида раисликка сайланганман. Шу вақт орасида анчагина ишларни бажардик. Кўплаб маҳалла муаммолари ечим топди.

Ўз навбатида, ободонлаштириш ишлари ҳам давом этмоқда. Жорий йилги дастурга кўра, 2,5 км. йўлимиз асфальтланиши, кўча чироқлари ўрнатилиши режалаштирилган. 2021 йилда маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога эга бўлди.

Хабарингиз бор, маҳалламиз туманнинг энг баҳаво Нанай қишлоғида жойлашгани боис туристик ҳудудга айлантирилмоқда. Фуқаролар томонидан ҳам йўналиш бўйича меҳмонхона уйлар ташкил этилди. Ҳозиргача мана шундай уйларнинг 85 таси фаолиятини бошлади.



347 та хонадон борлигини ҳисобга олсак, бу маҳалладошларимизнинг 40 фоизи доимий даромад манбаига эга бўлди, дегандир.

Рақам янада каттароқ бўлиши ҳам мумкин эди. Аммо уй меҳмонхона ташкил этиш

мақсадидаги кўплаб фуқаролар банкдан кредит олишолмаяпти. Банк негадир нақд пул ўрнига маиший техника буюмлари, ошхона анжомлари тавсия қилмоқда. 30-40 миллион сўм маблағ билан тадбиркор-

лигини бошламоқчи бўлганлар бу таклифни рад этишмоқда. Сабаби тавсия этилаётган буюмлар бозор нархидан қиммат. Фуқароларга ёрдам берай десам, ҳозир банк томонидан ўзим ҳам муаммога тегилиб ўтирибман.

Аслида мен ҳам тадбиркорман. Асаларичиликка ихтисослаштирилган «Нанай асаларичилик томорқа хизматлари» ИЧК асосчисман. Шу кунгача таъминотчи сифатида «Халқ банки» ва «Агробанк» шартномаси билан тумандаги асаларичиликка қизиққанларга кредит

ҳисобидан маҳсулот етказиб берганман. Бу шу кунги нархда 200 миллион сўмга тенг. Аммо банк томонидан пуллар ҳисобимга ўтказиб берилмаяпти. Натижада на фаолиятимни кенгайтира оляпман, на ишимни ривожлантиряпман. Агар шу маблағлар вақтида етказиб берилганда маҳсулотларимни хорижга экспорт қилишим мумкин бўларди.

Ҳакимбой ИЗЗАТИЛЛАЕВ,
Янгиқўрғон туманидаги «Сойбўйи» маҳалласи раиси.

«КЕЛАЖАККА ХИЁНАТ»

ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ШУНДАЙ БОБНИ КИРИТИШ КЕРАКМИ?

Турли мавзулардаги баъзан тўғри, баъзан эса кулгули баёнотлари билан ном чиқарган «Миллий тикла-ниш» демократик партияси раиси Алишер Қодиров яна бир янги ташаббусни илгари сурмоқда. Унинг фикрича, Жиноят кодексига ўзгартириш киритилиши керак. Бу сафар «Келажакка хиёнат» боби бўйича жазолар белги-ланиши лозим. Мазкур моддалар, асосан, таълим тизимида қилинган жиноятлар, болаларга билим бериш билан боғлиқ камчиликларга йўл қўйганларга нисбатан қўллани-лиши керак. Зеро, таълим ростдан ҳам келажак пой-деворидир. Унга қарши жиноят-лар чиндан ҳам келажакка зарар еткази.

Ўзи нима бўлди?

Бу каби жиноят тури дунёнинг бирорта мамлакатидан назарда тутилмаган. Таълимда-ги қонунбузилишлар ҳам умумий моддалар асосида квалифика-ция қилинади. Алишер Қодиров мазкур фикрга куни кеча Оққўрғон туманидаги боғчада содир бўлган ҳодиса ортидан келган.

Биламизки, туман-даги 5-сонли болалар боғчасида 150 нафар бола овқатдан за-ҳарлангани, 1 нафар гўдак эса вафот этгани ҳақида хабарлар тар-қалган. Натижада Санитария-эпидемио-логик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати боғчанинг 25 нафар тарбияланув-чисининг ҳолатини ўрганиб чиққан. Аниқ-ланишича, 2 августдан 11 августгача инток-сикация синдромининг клиник кўринишлари бўлган тарбияланувчи-лар Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Республи-ка шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент 1-шаҳар юкум-ли касалликлар клиник шифохонаси, Тош-



кент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Оққўрғон тумани юкумли касал-ликлар шифохонасига жойлаштирилган.

Болаларнинг аҳволи қандай?

12 август ҳолатига кўра, 6 нафар тарбия-ланувчи оғир ҳолатда жонлантириш бўлимида даволанмоқда, шундан 1 нафар тарбияланувчи ўпканинг сунъий нафас бериш мосламасига уланган бўлиб, ҳолати ўта оғир. Қолган 19 нафар тарбияланув-чининг ҳолати ўртача оғир деб баҳоланган. Касалхонага ётқизилган тарбияланувчилардан бактериологик тек-ширув ўтказиш учун таҳлиллар олинган ва лабораторияга юборил-ган.

Маълумотларга кўра, тарбияланувчи Маржо-

боғчасига келтирилган озиқ-овқат маҳсулот-ларини ким текширган, қандай сақланган? Бу саволларга тегишли ор-ганлар жавоб топишар.

— Бу ерда келажак-ни шакллантирадиган фидойилар ишлайди ва улар қаҳрамонлар-дир, — дейди **Алишер Қодиров**. — Шу билан бирга, соҳада келажак-ка хиёнатчилар ҳам аралашиб юрибди. Бо-лани соғлом, тарбияли ва билимли бўлишни ташкил қилишдек масъ-улият юкланган инсон болаларни озукасини ўғирласа, сифатлисини «виждонсизларча» ўзи еб, болаларга қолдиқ-ларини ёки эскироқла-рини едириб юборса. Билим ўрнига болалар тафаккурига «хатолар пакети» ёки «бўшлиқ»-ни жойласа. Пулини олиб, қулаб тушадиган кўприкни лойиҳалайдиган муҳандисга «аъ-ло»ни босиб берса... Бу тоифа инсон бу қадар масъулиятли жойда нима қилиб юрибди, де-ган савол туғилишидек табиий нима бор? Мен Жиноят кодексига «Келажакка хиёнат» боби-ни киритишни ва ушбу бобда болалар боғчаси,

мактаб ва олийгоҳлар-да вазифасига хиёнат қилаётганлар, бола-ларимизнинг ҳаққи ва вақтини ўғирлаётган-ларга нисбатан чоралар белгиланишини таклиф қиламан.

Такрор айтаман, бу соҳада қаҳрамонлар ишлаши керак. Ва улар-нинг маошлари ҳам, меҳнат шароитлари ҳам энг юқори даражада бўлиши шарт.

Умуман, тўғри таклиф...

Фақат номланиши — «Келажакка хиёнат» демократик талаблар, мантик, ҳуқуқшунослик тамойилларига бироз мос келмайди. Ҳеч бир тажрибада мавжуд эмас. Жуда умумий, турли талқинларга сабаб бўлиши мумкин бўлган атама. Аммо назаримизда, ростдан ҳам таълим соҳасидаги жиноятларни бошқала-ридан ажратиб, алоҳида квалификация қилиш вақти келди. Зеро, фар-зандларимиз, ватанимиз тақдири билан боғлиқ бу тизимдаги ноқонуний ҳаракатлар ҳақиқатдан хиёнатдир.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ҲУДУД КАТТА, ПИЁДА АЙЛАНИБ ЧИҚИШ МУАММО»

Президентимиз ташаббуси билан амалга татбиқ этилган «Обод маҳалла» дастури доирасида бизнинг маҳалла ҳам обод бўлди. Маҳалламиз 2018 йил ушбу дастурга киритилиб, бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ичимлик сув тармоғи торти-либ, аҳолимиз сув билан тўлиқ таъ-минланди. Тафак-кур, Дастурхончи, Тадбиркор кўча-ларимиз асфальт-ланиб, Пахтаобод, Чоргузар, Тадбир-кор кўчаларимизга темир-бетон устун-лар ўрнатилди.

Аҳолимиз азалдан деҳқончилик билан шуғулланишади. Айниқса, ерэнғоқ етиштиришнинг ҳадисини олишган. Ерэнғоқнинг поя-си, донини, ҳатто, пўстлоғини ҳам пуллаб даромад оли-шади. Ёнғоқ дарах-ти ҳам анчагина.

Энди ерэнғоқ билан бирга, узумчиликни ҳам асосий «драйве-ри»мизга айланти-ряпмиз.

Яна бир янгилик – тадбиркор томони-дан хусусий-шерик-лик асосида ма-ҳалламизнинг янги идораси қуриляп-ти. Идорамизнинг иккинчи қаватида текстиль ташкил этилади. Қувонарли-си, у ишга тушгач, маҳалламизнинг 100 га яқин хотин-қизла-ри ишли бўлишади.

Янгиликлар билан бирга, муаммолар ҳам бор. Аввало, аҳолимиз сони кўп – 1 400 та хонадон, 2 099 та оила бор.

Шу сабаб маҳалла-мизни иккига бўлиш бўйича ҳужжат топширганман, лекин ҳали нати-жаси бўлгани йўқ. Маҳалла ҳудуди ҳам катта, узунлиги 20 км.дан узоқ. Бунча масофани пиёда айланиб чиқиш ҳам бир муаммо. Агар бизга ҳам автома-шина беришса яхши бўларди. Ишимиз энгиллашиб, нати-жадорлик ортарди.

Холидаҳон йўлдошева,
Избоскан
тумани «Юқори
Чувама» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...



«Икки ойдан буён ойлик олмадик...»

— Корхонамиз томонидан икки ойдан буён иш ҳақи берилмаяпти. Раҳбариятдан ойлигимизни талаб қил-сак, ҳозирда корхона молиявий қийин аҳволда эка-нини сабаб қилиб кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатда нима қилишимиз лозим?

Саодат АЛИЕВА,
Тошкент шаҳри.

Севара ЎРИНБОЕВА,

Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Меҳнат кодексига биноан, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаши шарт.

Меҳнатта ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Жамоа шарт-номасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигини бузиш тегишлича маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Ушбу ҳолатда иш ҳақини ундириш юзасидан судга мурожаат қилишингиз мум-кин. Бунда ходимлар судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод этилади.

Бугун давлатимизда кам таъминланган, камбағал қатлам вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Ёрдамга муҳтожлар учун пул маблағи ва бошқа кўмак кўрсатилмоқда. Аммо кейинги пайтда мурожаатчилар орасида боқиманда кайфиятдаги инсонлар ҳам кўп топилмоқда.

БОҚИМАНДАЛИК

КАЙФИЯТИДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида шундай мурожаатларни ўрганиб чиқдим. Афсуски, улар орасида давлат менга ҳамма нарсани қилиб бериши керак, қабилда фикрловчи одамлар кўплиги ташвишландирди.

Масалан, Чилонзор тумани «Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Б.Ғ. ижтимоий тармоқлар орқали видеомурожаат юборган. Мазкур мурожаатда маҳалла томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаётгани баён этилган. Ҳолат ўрганилганда мурожаатчи асли Қашқадарё вилоятидан бўлиб, 2020 йил август ойидан буён уч нафар фарзанди билан бирга ижара асосида истиқомат қилиб келиши маълум бўлди. Турмуш ўртоғи 2017 йилда суд қарори асосида озодликдан маҳрум этилган. Унга «Кўтарма» маҳалласи томонидан доимий равишда хомийлик асосида озиқ-овқат, фарзандлари учун кийим-кечак маҳсулотлари, шунингдек, моддий ёрдам пуллари

бериб келинган. Туман депутати Д.Маҳмудова томонидан фуқарога маоши 1,5 млн. сўмлик иш таклиф этилган, аммо у бу таклифни рад этган.

Ёки яқинда Янгийўл шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Д. томонидан ҳам ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат бўлди. Ушбу мурожаатда фуқаро қийин шароитда яшаётганлиги баён этилган. Ҳолат ўрганилганда унга маҳалла томонидан кўмак бериб келингани маълум бўлди. Жумладан, 2021 йилда «Аёллар дафтари»га киритилган ҳамда апрель ойида бир марталик 980 000 сўм миқдорида моддий ёрдам олган.

Яна бир мурожаатчи Музработ тумани «Юртим жамоли» маҳалласида яшовчи фуқаро З.Э. бўлиб, унга туман ҳокимлиги ва маҳалла ходимлари томонидан доимий ёрдам кўрсатиб келинган. Хусусан, туман ҳокимлиги ташаббуси билан 2017 йилда туғилган фарзандининг суннат тўйи ўтказиб берилган. Маҳалла томонидан узлуксиз



моддий ёрдам нафақалари олиб келган.

2021 йилда «Темир дафтар»га киритилган ҳамда 800 000, 500 000, 660 000 сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам пуллари берилган. Шунингдек, жорий йилнинг ўзида «Аёллар дафтари»га ҳам киритилиб, 980 000 сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам олган.

Бундан ташқари, 2021 йил давомида фуқарога туман ҳокимлиги томонидан 8 марта, 3-сектор томонидан 4 марта, «Вақф» жамғармаси томонидан 2 марта, маҳаллий тадбиркорлар томонидан 5 марта озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган. Шунингдек, 10 бош тирик парранда

(товуқ) ҳамда биометрик паспорт олиш учун барча тўловлар тўлаб берилган.

Энди ўзингиз айтингчи, шу вазиятда ҳам маҳалладан шикоят қилиш адолатданми? Мурожаатларни ўрганимизда фуқароларда моддий ёрдам ва нафақа тайинлашдаги янги тартибларни билмаслик натижасида айрим нотўғри хулосалар ҳам келиб чиқаётгани аён бўлди. Жумладан, эндиликда аввалги каби моддий ёрдам ва нафақалар маҳалла ходимлари ваколатидан олиб ташланган бўлса-да, аризаси рад этилганлар ҳамон маҳаллани айбдор қилишмоқда.

Яъни, эндиликда моддий ёрдам ва нафа-

қалар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги қарори асосида кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом асосида тайинланмоқда.

Тўғри, мурожаатлар орасида асосилари ҳам кўп. Аммо айрим мурожаатларнинг мазмуни билан танишар эканмиз (айниқса, маҳалла ходими устидан ёзилган бўлса), бўҳтонлардан ташқари, ҳаддан ташқари бўрттириш, ҳақоратларга дуч келасиз. Одоб-ахлоқ доирасига тўғри келмайдиган турли сўзлар, пўписаю дағдағалар ҳам кўшиб ёзилади.

— Куни кеча бир янгиликни ўқиб қолдим, — **дейди тадбиркор ва журналист Шухрат Охунжонов.** — Вилоят ҳокимлари халқ билан мулоқот қилиб, яна муҳтожларга пул тарқатишаркан. Жудаям хайрли иш. Азалдан муҳтож ва фақирларга ёрдам қилиш САВОБ ҳисобланган. Лекин қачонгача? Ёрдам сўраётганларнинг ҳаммаси ҳам "МУҲТОЖ"ми?

Кўп бор туман ёки вилоят ҳокими халқ билан мулоқот қилиб, уларнинг дардини уларнинг даражаси билан ҳал этганига гувоҳ бўлганман. Муаммо жудаям кўп. Масалан, фарзандини боғчага жойлаштириш, уй-жой, ёлғиз ва боқувчиси йўқ аёллар (уларни боқиш учун ҲОКИМ ёрдам бериши керак, йўқса "ПОРТАЛ"га ёзади) ёрдам сўрайди. Лекин ўша мурожаатчиларнинг бирор марта муаммоси ҳал бўлгандан кейин ҳокимга ёки давлат раҳбарига РАҲМАТ айтганини эшитмаганман. Улар учун доим кимдир шу ишларни қилиб беришга "МАЖБУР".

Ёрдам беришдан МАҚСАД нима ўзи, бугун қорни тўйса, эртага яна овқат егиси келадими-ку?! Бугун боғча, эртага мактаб, индинга олий ўқув юрти тўлов шартномасини тўлаб бериш, иш билан таъминлаш, уйлантириб қўй, давлат ҳисобидан бепул уй олиб бер, топган пули етмагани учун хотини ва болаларини ҳам кўшиб боқ...

Шуми "МУҲТОЖ"лик? Орият бор инсон ҳеч қачон мен "МУҲТОЖ"-ман демайди. Оғир бўлса ҳам айтаман — инсофсиз ва уятсизлар кўпайиб борапти. Давлат томонидан яратиб берилган имтиёзлар суистеъмол қилинапти.

Бозорга тушсангиз ҳар икки маҳсулотнинг бири хитойда ишлаб чиқарилган. Доим улар ўйлаб топган маҳсулотни кўрсак ҲАЙРАТ-ЛАНАМИЗ. Биз-чи, биз қачон ҲАЙРАТЛАНИШ-НИ ташлаб, бировни ҲАЙРАТЛАНТИРАМИЗ...

Бу мақола орқали маҳалла оппоқ, кимдир қора ёки ҳамма мурожаатчи ноҳақ, деган фикрдан йироқмиз. Чиндан бугун ижтимоий кўмакка муҳтожлар бор. Уларни қўллаб-қувватлаш аслида миллий қадриятимиз. Аммо фақат менга давлат ёрдам бериши керак, деган қарашдан қутулмас эканмиз, биримиз икки, рўзғоримиз бут бўлмайди. Энг аввало, берилган мана шу имконият ва кўмакдан тўғри фойдаланиш лозим. Тўрт мучаси соғ бўлиб, фақат кимларнидир ёрдамини кутиб яшаётганлар атрофларида ҳаёт қийинчиликларини енгиб, оиласи фаровонлигини таъминлаётган имконияти чекланган ногиронлардан ибрат олишса яхши бўларди.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ СИНГАРИ КРЕДИТГА АВТОМАШИНА БЕРИШСА...»

Маҳалламиз 2019 йил «Обод маҳалла» дастурига киритилиб, бир қатор ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бирок ишсизлик муаммоси ҳал этилмапти.

Масалан, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган 312 нафар аҳолини рўйхатдан чиқариш муаммо бўляпти. Негаки, уларга муносиб иш ўрни йўқ. Уларнинг 85 фоизига ер ажратиб берилган, лекин сув муаммолиги учун даромад ололмапти. Аҳолимиз орасида моддий ёрдам кўрсатишни, ана шундай дафтарлар рўйхатида киритишни сўраб мурожаат қилаётганлар сони ҳам ортиб бормоқда. Ишсизликдан хорижга кетиб ишлаётганлар ҳам бор. Айни пайтда уларнинг сони 60 нафардан зиёд.

Худудимиз, асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Лекин пахтани қайта ишлайдиган ёки ун заводлари йўқ. Агар маҳсулотларни қайта ишлайдиган фабрика ёки корхоналар қурилса, ишсизлик ҳам бироз камаярди.

Иш фаолиятимиз учун муносиб шарт-шароит йўқ. Бир дона эски компьютер бор, холос. Мебеллар ҳам етарли эмас, бори ҳам эски. Худудимиз катта – 25 км. ораликда жойлашган. Бирор оиладан зудлик билан хабар олиш ёки ҳуқуқбузарлик қайд

этилса, айтилган манзилга тезкорлик билан етиб бориш муаммо. Иш ҳажми, талаблар катта, лекин 4 нафар ходим барчасини уйдалай олмайди. Ойлик маошимиз ҳам кам, аксарияти кундалик иш харажатларимизга кетиб қоляпти. Бизга ҳам профилактика инспекторлари сингари кредитга машина беришса, иш фаолиятимиз янада яхшиланарди.

Алишер ЖАНГАБАЕВ,
Қонлиқўл тумани
Наврўз овул
фуқаролар йиғини
раиси.

ЖАМИЯТ ЖУРНАЛИСТНИ ҚИМОЯЛАШДА БИРЛАША ОЛАДИ... (МИ?)

QALAMPİR.UZ сайти журналисти Феруза Нажмиддинованинг шаъни, кадр-ким-матини камситиш мақсадида видеомонтаж қилинган роликнинг тарқатилгани қанчалар ачинарли ҳолат бўлса, ушбу қабиҳликка нисбатан жамиятимиз аъзоларининг реакцияси ҳам ибратли бўлди. Чунки жамоатчилик билан бирга, тегишли давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари ҳам адолатни, оммавий ахборот воситаларининг овозини бугишга қаратилган ифлос ҳаракатни бир овоздан қоралаб чиқиб, бунга қарши қатъий позицияларини билдиришди.



Биламизки, айрим вазиятларда жамоатчиликнинг, журналистларнинг фикри, талаблари жавобсиз қолдирилган ёки мавжуд ҳолатлар ҳаспўшланган пайтлар бўлган. Бу сафар эса камчиликларни танқид остига олган журналистнинг шаънини булғашга уриниш қаттиқ қаршиликка учради. Лекин бу ҳақиқат тўлиқ ғалаба қозонди дегани эмас. Бу жиноятнинг ортида турган кучлар фош этилиб, жазога тортилмас экан, бундай дейишимизга бироз эрта.

Шундай экан, бундай вазиятларда жамиятимиз вакиллари ҳамма пайт ҳам бирдамликда ҳаракат қила оладими?

Амалдорлар нега танқидни босиқлик билан қабул қилишолмаяпти?

Журналистик фаолият демократик жамиятнинг муҳим эҳтиёжи бўлиб, халқ ва давлат манфаат-

ларига зид ҳар қандай ҳолатга муросасиз бўлиши керак. Бугунги кунда ўзбек журналистикасининг анча фаоллашганини, ҳаётимиздаги кўплаб муаммоларни дадиллик билан олиб чиқаётганини кўришимиз мумкин. Ҳали бу борада камчиликларининг ҳам етарлиги, лекин беш йил олдинги давр билан солиштирганда ер билан осмонча фарқ бор.

Шуниси борки, журналистнинг танқиди кўп ҳолларда босиқлик билан кутиб олинмаяпти. Унинг ўзини айблашга ҳаракат қилиш, турли босимлар ўтказиш, ҳатто ҳақоратлашу тажовуз қилишгача борилгани сир эмас.

Тўғри, танқид аччиқ бўлади, ҳеч кимга ёқмайди. Лекин амалдорларнинг унга чидамсизлиги, ўта кўпол жавоб қайтаришига сабаб нима? Албатта, кечаги маддоҳликка айланган журналистика давридаги ширин мақтовларга ўрганиб қолган мансаб эгалари бу ҳолатни ҳа-

нужгача қабул қилишолмаяпти. Уларга аталадан суяк чиққандай таъсир қиляпти.

Энг ёмони, уларда ўзига қарши чиққан, камчилигини кўрсатган одамни осонликча бадном этиш, жасурлигига пушаймон қилдириш мумкин, деган тушунчанинг сақланиб қолаётганидир. Бугунги ҳолат ҳам худди шу омилга бориб тақалади. Лекин тўхмат осон нарса эмас. Бежизга ўт балоси, сув балоси қаторида «... тўхмат балосидан асрасин» дейишмайди. Айниқса, аёл кишидан бу усулда қасд олиш ўта пасткашлиқдан бошқа нарса эмас. Демак, бундай ҳолатнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш зарур.

Эътибор қилсак, кейинги пайтларда турли телеграм каналлар орқали аноним тарзда журналистлар ва блогерларга тўхмат уюштириш, уларнинг оилавий ҳаётига раҳна соладиган бўҳтон маълумотларни эълон қилиш, уларнинг номига лой чаплашга зўр берилмоқда.

Хўш, бу кимга керак? Албатта, кўчадаги бекорчиларга эмас, айби фош бўлиб қолишидан чўчиётган, маълум бир мақсадни кўзлаган, имконият ва ресурсларга эга, сизу биз тўлаган солиқлар ҳисобига яшовчи давлат

ташкilotлари ёки шундай ташкilotлардаги гуруҳларга керак. Улар журналист кўрқиб, қайта журъат кўрсатишга қодир бўлмай қолсин, деган мақсадни кўзлаши мумкин.

Эсдан чиқармаслик керакки, журналистнинг холисликка таянган, халқ манфаатини кўзлаган фаолиятига тўсиқ бўлиш, бу иши учун унинг жазоланиши бутун жамиятнинг тушунлигига сабаб бўлади. Тушунлиқка берилган жамият аъзоларидан эса дадил олдинга интилиш, катта натижаларга эришишни кутиш мантисизликдир. Демак, журналистик чиқишларни босиқлик билан қабул қилиш, хатолик кузатилса, ваҳшийларча ташланиш эмас, маданият билан муносабат билдиришни амалдорлар ширин қилиб олишлари, бутун халқ билан мулоқот қилаётгандай гаплашишлари керак. Чунки баҳслашилаётган масала халқ манфаатига оиддир.

Журналистика ижтимоий фаол жамоатчиликка суянади

Албатта, журналистикани оддий касб деб ўйлаш хато. Унинг қийинчиликларига бардош бера олиш, тўхмат, босим ва таҳдидларга қарамасдан, ҳақиқат йўлида ижод қилишда давом эта олиш ҳар ким учун эмас. Бунинг уддасидан чиқа олганларгина журналист сифатида эл-юрт орасида доврўф қозонади.

Лекин «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас...» деган мақол бор. Бу битта журналистга қаратилган таҳдид эмас, унга ўхшаб иш тутадиганлар қандай аҳволга тушишини бошқаларга ҳам эслатиб қўйишдир. Шундай экан, журналистларимизда бу масалада бирдамлик бўлиши лозим. Журналистлар ижодий уюшмаси шу ҳолат юзасидан баёнот билан чиққани маълум даражада бизни шунга ундайди. Лекин бир муаммо борки, баъзи журналистларнинг қайсидир ташкilot ёки

тизим танқидга учраганда ҳамкасбларига қарши чиқиб, мансабдорлар тарафига ўтиб олиши, уларнинг камчиликларини ҳаспўшлашидир. Чунки у ўша ташкilotнинг матбуот хизматида ишлайди ёки байрамларда бериладиган совғалар эвазига «ҳамкорлик» ўрнатган ижодкорлардир. Бу бизда ҳали журналистик этика қадриятлари шаклланмаганидан далолат беради.

Қолаверса, журналистика ижтимоий фаол жамоатчиликка суянади. Одамларимиздаги лоқайдлик, атрофида бўлаётган ҳолатларга томошабинлик, ўз шахсий манфаати қобилига ўралиб қолганлик иллатларини кўрганда, жамиятимиз кўзимизга анча кучсиз кўриниб кетади.

Нафақат журналистлар, балки жамиятни ривожлантириш билан шуғулланадиган барча ташкilotлар аҳоли билан бошқа усулларда ишлаши керак, деб ўйлаймиз. Одамларга тушунтириш керакки, журналистни таҳқирлашаётган экан, демак, сизни ҳақоратлашяпти. Чунки журналистика инқирозга учраса, журналист таҳдидлар остида журъатсиз аҳволга туширилса, сиз қайсидир маҳаллада қурилиш учун дарахтлар кесилаётгани, маст мансабдор кимнидир машинасида уриб юборгани, лекин унга нисбатан жиноий иш очилмагани, ички ишлар бўлимида ушланганларни қийноққа солишаётганидан беҳабар қола бошлайсиз. Ёки қўшни туманда жойлашган кимёвий заводдаги хавфли портлашни эшитмайсиз. Чунки бу нарсаларни ёзиб, сизга етказадиган одам қолмайди.

Умуман олганда, бу борада муаммолар, босиб ўтилиши керак бўлган довлонлар жуда кўп. Аммо бир зум ҳам тўхтаб қолмаслик керак. Боиси, ҳар бир иккиланиш, қатъиятсизликлар кечикишларга сабаб бўлади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ЎЗ КУНЛАРИНИ КОНДИЦИОНЕРСИЗ ЎТКАЗЯПМИЗ»

Маҳалламизда яшовчи аҳоли муаммоларини уйма-уй юриб ўрганяпмиз. «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга камчиликларини ҳал этишда кўмак бердик. Энди ушбу дафтарларни яна қайта шакллантирдик. Ҳозирда шу бўйича ишлаяпмиз.

Фақат бизга иш-лашимиз учун бироз шароит етишмайди. Биномиз таъмирталаб. Бир қисмини ўз кучимиз билан таъмирладик. Иситиш тизими йўқлигидан қишда қийиналамиз. Ҳозирги иссиқ кунларда эса кондиционерсиз хонада ишлашга мажбур бўляпмиз. Бунинг устига мебелларимиз эскирган. Жиҳозлар етишмайди. Яқинда бир дона компьютер беришди. Аммо принтеримиз йўқ. Канцелярия махсулотлари-

ни ўз пулимизга сотиб оламиз.

Худого шукр, маҳалламизда оилавий жанжаллар кам. Одамларимиз ўртасида ҳам яхши муносабат шаклланган. Муаммо шуки, худудимизда жойлашган кафе-ресторанларда тўйлар бўлиб ўтади. Мезбону меҳмонлари маҳалламизга алоқаси бўлмаган тадбирлардаги ичкиликбозлик натижасида жанжаллар юзага келади. Шу билан жиноятчилик юз берган худуд

деган номни кўтариб юрамиз. Гап бунда ҳам эмас. Бу нохуш ҳолатлар маҳалламиз муҳитига, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қилишидан ташвишдамиз. Мутасаддилар мазкур масалага жиддий эътибор қаратишса, яхши бўларди.

Жамила ХИДИРОВА,
Қарши шаҳридаги Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Қарийб икки йилдирки, инсоният коронавирус зарбидан жабр кўриб келмоқда. Юртимизда ҳам эпидемиологик вазият бошланганига бир ярим йил бўлиб қолди.

ВАКЦИНАЦИЯ:

МИШ-МИШЛАРГА НЕГА АСОСЛИ ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛМАЯПТИ?



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Мазкур хавфдан ҳамма ҳадиксираб тургани, соғлиғи ва хотиржамлигини йўқотган бўлишига қарамай, уни даф этувчи қурол — вакцина бағрикенглик билан қарши олинмади, очиғи. Бунга вакцина атрофида айланаётган миш-мишлар сабабдир.

Норасмий манбалар томонидан вакцинанинг зарари ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар урчиб, афсуски, улар тарозида холис ахборотдан кўра оғирроқ келмоқда. Вакцинанинг фойдаси ҳамда заруратини чуқур ҳис этган ҳолда ишонч билан эмланаётганлар кам, бунга тан олиш керак. Кимдир шубҳа, кимдир мажбуран (иш жойини сақлаб қолиш мақсадида), яна кимлардир тушунмаган ва бу ҳақида ўйлашни

ҳам истамаган ҳолда вакцина қабул қилмоқда.

Тиббиётчилар ҳамда фаоллар томонидан вакцина тарғиб қилинган, ҳа, бу айнан тарғиб. **Ҳозирги омма эса тарғиботдан кўра тушунтириш ишларига эҳтиёжманд.** Зеро, соғлиқ учун муҳим восита «Мен вакцина олдим, сизчи?» каби ақциялардан кейин шахсларга тақлидан эмас, ўз ҳаёти ва саломатлиги ҳақида қайғуриб, шахий ёндашув ва мустақил қарор орқали турмушига татбиқ этилиши даркор.

Сўнгги пайтлар вакцина олишга талабгорлар бирмунча кўпайди. Бироқ бу тарғибот маҳсули эмас. Балки коронавирус аниқланган беморларнинг кундалик антирекорди одамларнинг фикрини бирмунча ўзгартирди.

Қунига мингта бемор, 7-8 та ўлим кўрсаткичлари инсонларнинг фикрини ўзгартирди ва вакцина манзилига йўналтирди.

Аммо эндигина ҳолат барқарорлашай деганда, бошқа бир муаммо кўндаланг туриб қолди: **иккинчи доза қабул қилувчилар учун вакцинанинг мавжуд эмаслиги.**

Бунга нима дейсиз? Аввалига «ZF-UZ-VAC» туридаги вакцинасида танқислик юзага келгани, иккинчи доза қабул қилиш истагида поликлиникага мурожаат қилган инсонлар қуруқ қўл билан қайтгани ҳақидаги хабарлар тарқалди ва бунга Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатга олиш билан боғлиқ ташкилий ишлар борлигини айтиб қисқа жавоб қайтарди. Масала олдида масала кўшилиб, «Moderna» ва «Спутник» туридаги вакциналарда ҳам такрорий эмланиш учун доза тайёр эмаслиги ҳақида хабарлар кела бошлади.

Вакцинацияга давлат даражасида аҳамият берилмаётган бир пайтда, коронавирус глобал



муаммога айланган бугунги замонда **нега вакцина масаласига панжа ортидан қаралмоқда?** Иккинчи доза танқислиги юзага келиши ишларнинг режасиз амалга оширилгани, аввалбошдан пишиқ-пухта дастурлар асосида ишланмаганидан далолатдир.

Тиббиётчилар тасдиқлайдиларки, вакцинанинг биринчи босқичи билан кишида етарлича антитанача ҳосил бўлмайди. Такрорий дозаларни қабул қилганидан 14 кун ўтибгина вирусга қарши курашишга етарли даражада иммунитет шаклланади. **Демак, босқичлар орасида узилиш бўлса, вирусга чалиниш эҳтимоли сақланиб қолаверади.**

Шундай экан, аҳолини тўлақонли эмлаш нечоғлик долзарблиги бу ишнинг тепасида турганлар

учун сир эмас. Тез орада масъуллар томонидан бу муаммо ижобий ҳал этилиши, халқимизга зарур вакциналар ўз вақтида етказилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини кутиб қоламиз.

Яна бир масала. Вакциналар ихтироси бошлангач, АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия каби давлатлар ўз илм намуналарини тақдим эта бошладилар. Ҳатто қўшни Қозоғистон ҳам ўз вакцинасини ярата илм-фан ривожига эътибор юқорилиги ва **салоҳиятли олимларимиз борлигига қарамай, биздан бундай ташаббус чиқмади.** Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлигида яратилган вакцина эса бу фикримизга ўчирғич бўлолмади. Чунки унинг атрофида ҳам турли

миш-мишлар тарқадую, мутасаддилар томонидан раддия берилмади. Агар маҳаллий вакцинамизга эга бўлсак, танқислик муаммосидан қийналмасмидик.

Яна бир надоматким, аҳолида миллий маҳсулотларга ишонч юқори эмас.

«Хитой-Ўзбекистон вакцинаси» таърифини эшитиб, «Йўқ, мен «Модерна» ёки «Спутник» билан эмланаман» деб ўз истақларини билдираётган фуқароларимиз оз эмас. Албатта, ҳар ким танлов эркинлигига эга. Уларнинг қарорини «Хўрозқанд чет элники бўлса, ёт-волиб ялайди» айблови билан ҳаспўшлаш нотўғри, балки бу ҳолат тўғри хулоса чиқаришга ундовчи бир аломатдир. Олимларимиз сифатли маҳсулот яратиб, ўз илмини исботлай олса, халқ унга нисбатан чанқоқлик ҳис этади.

Мухтасар айтганда, пандемия ҳам, вакцинация жараёни ҳам илм-фан олдида жиддий муаммолар борлигини кўрсатиб қўйди. Уларни англаш ва тўғирлаш келажак фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«АҲОЛИ АРИҚДАГИ СУВНИ ИЧЯПТИ...»

Маҳалламиз туманинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Бахмал тумани билан чегарадош жойлашганмиз. Ҳудудимизда 3 та қишлоқ бор.

Аҳоли чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Бизда, асосан, помидор ва пиёз етиштирилади. 30 та фермер хўжалиги бор. Ғалладан бўшаган ерларни иккинчи экин экиш учун 525 нафар кишига 25 сотихгача бўлиб берилган. Улар лавия ва маккажўхори экишди. Бу ҳам ишсиз

ўтирганлар учун анча қулайлик яратди. Ерга қанчалик меҳнат қилинса шунчалик даромад олиш мумкин.

Муаммо бор. Муаммони айтганимиз билан ҳал бўлиб қолмайди. Чунки мурожаатларимизга ҳанузгача жавоб ололганимиз йўқ. Йўлларимиз жуда абгор ҳолатда. Симёғочлар

алмаштириш ҳолатига келиб қолган. Битта қишлоғимизда сув йўқ. Аҳоли ариқдан ва ўзлари қуриб олган пишма қрандан сув ичишяпти. Бу сув яроқлими-йўқми, билмаймиз ҳам. Шу қишлоққа артезиан ўрнатилса, яхши бўларди. Аҳоли оддий тиббий хизмат учун ҳам 5 км. узоқликда-

ги ҚВПга қатнашга мажбур.

Таклиф. Маҳалламиздан туман марказигача 25 км.лик масофа. Туманга бир ҳафтада икки ёки уч марта боришга тўғри келади. Тўғриси, ҳозирда олаётган маошимиз ўзимиздан ортмаяпти. Бу тўғрисида қанча раислар айтиб чиқди. Аммо

натijasини кўрганимиз йўқ. Ҳеч бўлмаса, раисларни ишига қараб рағбатлантириш йўлга қўйилса, яхши бўларди.

Раҳим ИСМОИЛОВ,
Булунғур туманидаги «Оқтош» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«ОБОД МАҲАЛЛА ДАСТУРИГА КИРГАНДИК, АММО...»



Маҳалламиз «Обод маҳалла» дастурига киритилган эди. Бундан аҳоли жуда мамнун бўлганди. Худудимиз обод масканга айланишни умид қилгандик. Йиғин ҳудудида 4 та қишлоқ мавжуд. Дастур бўйича 3 та қишлоқ ичимлик суви билан таъминланди. Йўллар таъмирланиб, пиёдалар йўлакчаси ҳам қилинди. Бетон устунлар ва ёритиш чироқлари ўрнатилди. Ҳаттоки, интернет тармоғи ҳам тортилди.

Аммо бу ишлар бизнинг Қоракесак қишлоғимизга келганида ўлда-жўлда қолиб кетди. Туман ҳокимлиги масъуллари учта қишлоқда қандай ишлар амалга оширилган бўлса, бизнинг қишлоғимизда ҳам худди шундай ишлар бажарилишини айтишганди. Аммо

орадан 3 ой ўтдики, ҳануз бирон-бир иш қилингани йўқ.

Яқинда Самарқанд вилояти телерадиоканали орқали маҳалламиз ҳақида кўрсатув эфирга узатилди. Унда маҳалламиз раиси ва ўринбосари сўзга чиқиб, қилинган ишларни роса мақташди. Қилинмаган ишларни ҳам қилинди, деб ёлғон маълумотларни айтишдан ҳам тап тортишмади. Журналистлар фақат маҳалла марказининг ўзидан қайтариб юборилган. Чекка қишлоқларда умуман бўлишмаган. Бундай алдов кимга керак? Қоракесакликлар ҳамон кутишда давом этмоқда. Балки бу мурожаатимга мутасаддилар эътибор қаратишар...

Фарҳод ҚЎЗИЕВ.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги «Тараққиёт» маҳалла фуқаролар йиғини.

Юқоридаги мурожаат бўйича туман масъулларига юзландик. **Пайариқ тумани ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Акмал МАҲМУДОВ**нинг айтишича, аслида дастурга «Тараққиёт» маҳалласининг фақат Катта сайлов қишлоғи киритилган. Аммо битта маҳалладаги 4 та қишлоққа ҳам маблағ тақсимланиб, қайси бирида нимага кўпроқ эҳтиёж бўлса, шу ишлар амалга оширилиши бўйича келишиб олинган. Бу бўйича туман ҳокимининг ўзи бориб маҳалла фуқаролари билан йиғилиш ҳам ўтказган. Айнан Қоракесак қишлоғига янги трансформатор ва янги бетон симёғочлар ўрнатилган.

Шундан сўнг «**Тараққиёт**» маҳалласи раиси **Мурод САФАРОВ**га мурожаат қилдик.

— Маҳалламизда

дастур асосида деярли барча ишлар амалга оширилди, — **дейди М.Сафаров.** — Фақат ички йўлларни ҳашар йўли билан тўғирлашимиз керак. Шу пайтгача қилинмаган ҳудуд обод масканга айланди. Янги бетон симёғочларни ўша қишлоқлик бир фуқаро маст ҳолатда тракторида яроқсиз ҳолатга келтирган. Ўша куннинг ўзида ушбу иш бўйича ички ишлар органига мурожаат қилганмиз. Фуқарони олиб кетишган. Бу масалага ҳали ечим топилгани йўқ. Бундан ташқари, йил якунигача дастурдан ташқари қоракесакликлар ичимлик суви билан таъминланади. Бу бўйича туман ҳокимининг ўзи ваъда бериб кетган.

Пайариқ тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Дилфуза Мамасолиеванинг фикрича эса,

бу қишлоққа дастур асосида трансформатор ва бетон симёғочлар қўйилган. Худуд аҳлининг асл мақсади — маҳалла раисини алмаштириш. Ўзларидан раис қўйишмоқчи бўлишяпти. Аммо қолган 3 та қишлоқ ҳозир фаолиятдан рози. Уларга сайлов ўтказиш ва раисни алмаштиришни ҳам ўз қонунқоидалари борлиғи ҳақида тушунтирилди.

Хулоса шуки, биз ҳар икки тарафни ҳам эшитдик. Симёғочлар масаласи қандай ҳал этилиши очиқлигича турибди. Бу борада маҳалла раиси ҳам жавоб беролмади. Куз келишига ҳам оз қолди. Аҳоли электр токига янада эҳтиёж сезиши тайин. Демак, йил якунида яна бу мавзуга қайтаммиз. Мутасаддилар эса фуқароларнинг мурожаатини беэътибор қолдиришмайди, деган умиддамиз.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ВАЗИРДАН ОЛГАН КОМПЬЮТЕР АСҚАТЯПТИ...»



Бизнинг маҳаллада ҳам ўзгаришлар катта. Авваллари аҳолимиз оддий бозор ўчар учун ҳам 16 км. масофа босиб, туман марказига бориб келарди. Йўналишли транспорт қатнови йўқлигидан офтоб тифида, изғиринли совуқ кунларда ҳам кўчада такси кутиб турарди.

Қувонарлиси, овулимиздан туман марказига йўналишли «Damas» транспорт қатнови йўлга қўйилгани аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қияпти. Айниқса, 3 км. масофа нарида дала дўкони қурилгани аҳолимизни ниҳоятда миннатдор қилди. Унда рўзғор учун зарур бўлган озиқ-овқатдан тортиб, барча зарур

маҳсулот ва товарлар мавжуд.

Яна бир янгилик — газлашмаган хонадонларга қўшимча равишда табиий газ қувурлари тортилмоқда. Қўшимча равишда 38 хонадонга мўлжалланган ичимлик сув қудуғи қазилди. Қишда лой, ёзда тупроқ бўлиб ётадиган 5 км. ички қўчаларимизга шебен тўшалиб, текисланди.

Яқинда масъул ташкилот вакиллари худудимизда бўлиб, қишлоқ врачлик пункти ва маҳалла идораси қуриш ишлари билан танишди. Насиб, бу ишлар амалга ошса, аҳолимиз учун тиббий

хизмат янада яхшиланарди. Моддий-техник базамиз ҳам мустаҳкамланарди. Унга қадар куни кеча вазиримиздан олган янги компьютер жамланмаси асқатади.

Тадбиркорлик ҳам ривожланыпти. «Аёллар дафтари»да турган хотин-қизларимиз 5 млн. сўмдан имтиёзли кредит олиб, даромад келтирадиган иссиқхона, чорва мол ва бошқа қўшимча иш фаолиятини йўлга қўйишяпти.

Даулетбай АРЗИЕВ,
Хўжайли тумани
Мустақиллик овул
фуқаролар йиғини
раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР... ?

«Права»ни қандай алмаштираман бўлади?»

— Ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун электрон тарзда ариза юбориш мумкинми ва қандай ҳужжатлар керак?

Нурбек АЛИЕВ.
Тошкент шаҳри.

Севара ЗОКИРОВА, Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими:

— Сиз Ягона интерактив давлат хизматлари порталида онлайн тарзда эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштириш учун ариза юбориш хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Ягона портал орқали ариза юборганингиздан сўнг Давлат хизматлари марказларига фуқаролик паспорти, эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талон, Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тўловлар тўланганлиги ҳақидаги банк муассасасининг тўлов қоғози билан мурожаат қилишингиз керак.

ДЕПУТАТЛАРГА ЁРДАМЧИ ТАЙИНЛАНМОҚДА

Депутат ким? Уларнинг фаолиятдан сайловчилар розими? Бугун ўз вазифасини бажара оляптими? Бу саволларга аксарият юртдошларимиз жавоб беришга иккиланади. Кўплар депутатлар фаолиятдан қониқмаслиги ҳам сир эмас. Бу эътирозларда асос бор. Чунки аксарият ҳолларида халқ вакиллари томонидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир ташаббуслар кўзга ташланмаяпти.

Аммо тан олиш керак, кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари анча жонланди. Барибир бу жонланиш ҳозирча сайловчилар ишончини оқлаш даражасида, деб бўлмайди. Лекин танганинг иккинчи томонига эътибор қаратсак, уларга ҳам осонмаслигини кўраемиз. Бутун бир сайлов округи учун биргина шахснинг масъуллиги кўп ҳолларда ўша ҳудуд муаммоларига ечим топишда депутатлар ҳаракатсизлигига сабаб бўлган. Қолаверса, уларнинг асосий иш жойи пойтахтда бўлиб, қонун ижодкорлиги билан шуғулланишган. Аслида эса, ўз сайлов ҳудудида электорати билан тизимли мулоқотни йўлга қўйиб, муаммоларни аниқлаш ва тезкор ечим



топишда ҳам масъул бўлмоғи лозим. Чунки депутат сайловчилари олдида ҳисобдор. Қуни кеча мана шу муаммога ечим топилгандек бўлди. Яъни депутат билан сайловчилар ўртасида яқин алоқани йўлга қўйиш мақсадида депутат ёрдамчиси институтини жорий этиш таклифи маъқулланди ва Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қону-

ни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозим, ушбу ташаббус 2020 йилнинг январидан илгари сурилган эди. Бугун мазкур ташаббус қўллаб-қувватланиб, бутун Қонунчилик палатасига жорий қилинмоқда ва шундан келиб чиқиб, «Сиёсий партиялар тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва

қўшимчалар киритилмоқда. Яъни, депутат ёрдамчиси қўйилдиган талаблар, вазифалар, ишга қабул қилиш ва меҳнатига ҳақ тўлаш, улар томонидан амалга оширилдиган нормалар белгиланмоқда. Унга кўра, депутат ёрдамчиси депутатнинг вакили сифатида сайлов округида доимий фаолият юритади ва у депутат билан яқин қариндош ва судланмаган бўлиши лозим. Унга ҳақ тўлаш сиёсий партия маблағи ҳисобидан амалга оширилади. У сайловчиларни Қонунчилик палатасидаги депутати фаолиятдан, ўз навбатида, депутатни сайлов округида юз бераётган воқеалар, фуқаролар мурожаати, маҳаллий ижро ҳокимияти қарорларидан хабардор қилиб туради. Яхши ташаббус. Аммо қонун лойиҳасидаги айрим бандлар тушунмовчиликка сабаб бўлмоқда. Мисол учун, парламент томонидан тарқатилган хабардаги айрим қисмларга ҳуқуқшунос Сайидали Мухторалиев алоҳида эътибор қаратишни сўраган. Жумладан, депутат ёрдамчиси депутатнинг вакили сифатида сайлов округида доимий фаолият юритади ва у депутат билан яқин қариндош ва судланмаган бўлиши лозим, деган фикр ўзгача маъно касб этиб қолган.

— Бу ерда жумла-ма-жумла ўқилганда «ёрдамчи депутатга яқин қариндош бўлиши лозим ва судланмаган бўлиши лозим» деган маъно келиб чиқмоқда, — дейди С.Мухторалиев. — Яъни фақатгина яқин қариндошларигина депутатга ёрдамчи бўлиши мумкин. Балки бу ерда жумла тузишда хатолик кетгандир? Ўз навбатида, бу тарздаги талқинга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Ширинов муносабат билдирди. Унинг фикрича, Олий Мажлис депутати ёрдамчиси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини назарда тутувчи қонун лойиҳаси 2-ўқишда қабул қилинди. Унда депутат тегишли сиёсий партия билан алоқасини сақлаб туриш ҳамда ўз сайлов округидаги фаолиятини самарали ташкил этиш учун ёрдамчига эга бўлишга ҳақли эканлиги белгиланмоқда. Ж.Шириновнинг таъкидича, қонун лойиҳасига мувофиқ, депутатнинг яқин қариндошлари депутат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас. Шу ўринда айтиш керакки, айрим фуқаролар томонидан айтиш нотўғри талқин қилинган ва депутатнинг яқин қариндошлари ёрдамчи лавозимига тайинланиши тушунилганди. Шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб топилган, содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ҳам депутат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас. Депутат ёрдамчиси фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилмайди. Шу ўринда бу қонунга эътироз билдирувчиларга маълумот ўрнида айтиб ўтамиз. Юқоридаги тажриба дунё парламентаризмида анчадан бери мавжуд ва ўзини оқлаган. Бир киши бутун бошли қонунлар ишлаб чиқиши аслида ғалати эди. Энди эса, бу учун бизда ҳам бутун бошли жамоа шаклидаги ёрдамчилар меҳнат қилади.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ВАЗИФАМИЗГА КИРМАЙДИГАН ЮМУШЛАРНИ БАЖАРИШГА МАЖБУР БЎЛЯПМИЗ»

Маҳалла аҳлининг муаммоларини ечишга кўмак бериш бўйича доимий иш олиб бораётиб. Хонадонма-хонадон юриб аҳолини қийнаётган масалаларни ўрганишимиз.

Имкон қадар уларга бу борада ёрдам беришга ҳаракат қилаётиб. Низоли оилаларни яраштириш, шундай ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Лекин бугунги кунда маҳаллаларда бўлаётган ижобий ўзгаришлар бизга етиб келмаяпти. Маҳалла ходимлари югурдакка айланиб қолган. Мисол учун, солиқ йиғиш, пиллага қарашиш, ғалла парваришига кўмаклашиш, пахта теримига аҳолини жалб қилиш каби вазифамизга кирмайдиган ишлар зиммамизга юклатилмоқда. Шу масалалар бўйича мажлисларда гап эшитамиз.

Шундай бўлсада, бу юмушларни бажаришга ҳаракат қилаемиз. Лекин пилла қурти боққанларга ҳақини бермай овора қилиш ҳолатлари бор. Натижада аҳолига минг тушунтирманг, пилла парваришларни хоҳламайди. Калтак эса бизнинг бошимизда синади. Ёки одамлар солиқдан қарз бўлса, «давлат бюджетига тушум қилмаяпсан», деган сўкишга дучор бўламиз. Ахир, бу бизнинг вазифамиз эмас-ку. Яна бир муаммо — махсус техника етишмаслиги боис маҳаллаларда чиқиндилар вақтида олиб чиқилмайди. Ҳар учта маҳаллага лизинг асосида машиналар берилса,

муаммо ҳал бўлади. Шу ҳақда таклиф ҳам берганмиз. Аммо ёрдам беришмаяпти. Умуман олганда, муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифларимизга ҳар сафар «режага киритилган» деган жавоб оламиз. Амалга ошишидан эса дарак йўқ. Маҳалланинг ўз маблағига эга эмаслиги ҳам фаолиятимизга соя солади. Чунки керакли пайтда ҳудудимиздаги эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсата олмаемиз. **Худоёр ШОДМОНОВ, Қарши туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

— Бу ерда жумла-ма-жумла ўқилганда «ёрдамчи депутатга яқин қариндош бўлиши лозим ва судланмаган бўлиши лозим» деган маъно келиб чиқмоқда, — дейди С.Мухторалиев. — Яъни фақатгина яқин қариндошларигина депутатга ёрдамчи бўлиши мумкин. Балки бу ерда жумла тузишда хатолик кетгандир? Ўз навбатида, бу тарздаги талқинга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Ширинов муносабат билдирди. Унинг фикрича, Олий Мажлис депутати ёрдамчиси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини назарда тутувчи қонун лойиҳаси 2-ўқишда қабул қилинди. Унда депутат тегишли сиёсий партия билан алоқасини сақлаб туриш ҳамда ўз сайлов округидаги фаолиятини самарали ташкил этиш учун ёрдамчига эга бўлишга ҳақли эканлиги белгиланмоқда. Ж.Шириновнинг таъкидича, қонун лойиҳасига мувофиқ, депутатнинг яқин қариндошлари депутат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас. Шу ўринда айтиш керакки, айрим фуқаролар томонидан айтиш нотўғри талқин қилинган ва депутатнинг яқин қариндошлари ёрдамчи лавозимига тайинланиши тушунилганди. Шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб топилган, содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ҳам депутат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас. Депутат ёрдамчиси фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилмайди. Шу ўринда бу қонунга эътироз билдирувчиларга маълумот ўрнида айтиб ўтамиз. Юқоридаги тажриба дунё парламентаризмида анчадан бери мавжуд ва ўзини оқлаган. Бир киши бутун бошли қонунлар ишлаб чиқиши аслида ғалати эди. Энди эса, бу учун бизда ҳам бутун бошли жамоа шаклидаги ёрдамчилар меҳнат қилади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



МАКТАБ ЎҚУВЧИСИГА ИМТИЁЗ АДОЛАТДАНМИ?

Янги 2021-2022 ўқув йили бошланиши муносабати билан ота-оналарда мактаб таълими билан боғлиқ саволлар пайдо бўла бошлади. Шу кунларда Халқ таълими вазирлигининг икки хабари эътиборини тортди. Биринчиси, ўқув дастурлари қай тартибда олиб борилиши билан боғлиқ маълумот бўлса, иккинчиси, 6-синфдан аъло баҳога ўқиган ва хулқи яхши бўлган ўқувчилар олий таълим муассасаларига имтихонсиз кириши мумкинлиги тўғрисидаги янгилик бўлди.

Аввало, биринчи хабарга изоҳ бериб ўтсак. Чунки кўплар бу маълумот ортидан фарзандларимиз онлайн ўқиса, мактабга тайёргарлик шартмас экан, деган фикрга боришмоқда. Ҳатто кўплар синф раҳбарлари, мактаб раҳбариятига ҳам мурожаат қилишмоқда.

Хўш, аслида дарс жараёнлари қай шаклда олиб борилади? Айнан қайси мактаблар онлайн таълим шаклига ўтиши мумкин?

Халқ таълими вазирлиги маълумотига кўра, чиндан ҳам янги ўқув йилида пандемия сабабли дарслар гибрид шаклда давом этишига тайёргарлик кўрилмоқда. Сабаби ўтган йилдаги нисбатан мактаб ёшидаги болалар орасида касаллик тарқалиши ҳолатлари кўпайгани кузатилмоқда. Аммо бу хабарда аниқ бирор мактаб алоҳида белгиланмаган. Фақатгина бунда юзага келадиган вазиятга қараб, Санитария-эпидемиология назорати марказлари

таклифига асосан, маҳаллий кенгашлар қарорларига кўра айрим мактаблар карантинга ёпилиб масофавий тизимга ўтказилиши мумкин.

Демак, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ота-оналар фарзандларини одатдагидек мактабга тайёрлашлари мумкин.

6-синфдан аъло баҳога ўқиган ва хулқи яхши бўлган ўқувчилар ОТМга имтихонсиз кириши мумкинлиги бўйича Халқ таълими вазири томонидан билдирилган янгилик жамоатчиликда турлича қарши олинди. Жумладан, менда ҳам айрим саволлар пайдо бўлди. Вазирга кўра, тавсиянома мактаб битирувчиларининг қанчадир фоизини, масалан, 6-синфдан буёғига яхши ўқиган, хулқи яхши бўлган болаларга (тавсиянома — тахр.) берилиши айтилди.

Ўз навбатида, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов тавсиянома ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатлар ҳам инобатга олингани, бунга қарши вазирлик қандай чора кўрга-



нани ҳам таъкидлаб ўтди. Яъни танганинг иккинчи томони борлигига ҳам эътибор қаратди.

— Бу вазиранинг иккинчи томони — эртага мактабда қандай қилиб потенциал коррупциянинг олдини оламиз, деган масала бор. Ҳозир электрон кундалик қилишимизнинг сабаби ҳам охирида мана бу болани аълочи қилиб чиқаримиз керак, деб баҳолашни тузатиб чиқа олмаслиги учун архив бизда турсин, деяпмиз, — деди **Шерзод Шерматов**.

Сиз шу гапга ишонасизми? Электрон кундалик платформаси нахотки, бу борадаги коррупциянинг олдини олса? Ахир фарзандининг баҳосини 5 йилдан кейин тўғрилаш имконидан маҳрум бўлган ота-она бу ишни биринчи йилданок амалга ошира олади-

ку? Яъни фарзанди 6-синфда ўқиётган ота-она шу даврдан бошлаб, баҳолар устида ишлаши, мактаб раҳбарияти билан «қалин» алоқалар ўрнатиши қийин масала эмас-ку? Бу ҳолни вазирлик инобатга олганми? Юқоридаги коррупцион ҳолатнинг олдини олишга айнан электрон кундаликни важ қилиш гўёки ота-оналар томонидан катта қаршилиқ ва норозиликка сабаб бўлган платформани «оқлаш»га баҳонадек туюлмаётими?

Тавсиянома билан боғлиқ яна бир баҳсли омил бор. Назаримда, вазирлик бу жиҳатни ҳам назардан қочирган. Яъни, тизим таркибида умумтаълим мактаблар билан бирга кўплаб ихтисослаштирилган мактаблар ҳам фаолият юритади. Табиийки, уларнинг

ҳар иккисидан таълим дастури нисбатан фарқ қилади. Масалан, математикага ихтисослаштирилган мактабларда шу фан анчагина чуқурлаштириб ўқитилади. Ўз навбатида, уларга қўйилган талаб ҳам турлича. Ва албатта, баҳолаш тартибида ҳам фарқ кузатилади. Ихтисослаштирилган мактабда математикадан «5» баҳо олиш умумтаълим мактабиникидан қийинроқлигини ҳаммамиз биламиз. Оддий, халқона тилда айтадиган бўлсак, умумтаълим мактабнинг «аълочи»си билан ихтисослаштирилган мактаб «аълочи» ўқувчиси ўртасида, уларнинг билимида ҳам катта фарқ бор. Яъни ихтисослаштирилган мактабнинг «4»чи ўқувчиси керак бўлса, умумтаълим мактаб «аълочи»сидан билимроқ бўлади. Аммо юқоридаги талабга асосан, ихтисослаштирилган мактабнинг «4»чи ўқувчиси имтиёздан маҳрум бўлиб қолмоқда. Энди айтингчи, бу адолатданми?

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ОЙЛИК МАОШЛАРИМИЗ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛСА»

2013 йилда маҳалла тизимида иш бошлаганман. Ишонам иккинчи уйимга айланган. Ўша давр билан бугунги кун маҳаллалари ўртасида катта фарқ бор. Эътибор ҳам бошқача бўлапти. Бу натижаларда акс этмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида маҳалламизнинг 2600 метр қисми асфальтланди. Ҳамкор кўчасига 100 дан ортиқ симёғочлар ўрнатилди. Янги хонадонларга электр тармоғи тортилиб, 3 та трансформатор янгиланди. Ичимлик сув муаммоси дастур асосида босқичли тарзда ҳал этилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 400 метр масофага ичимлик сув тармоғи тортилди. Ҳашар

йўли билан барча кўчаларимизга шағал ётқизилди.

Мақтанишга арзирли натижалардан яна бири, 2020-2021 йилларда маҳалламизда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Бу эса туман миқёсида эътироф қилинди.

2018 йилдан бери бино муаммоси қийнарди. Насиб қилса, тез кунларда ўзимизнинг янги бинога кўчиб ўтамиз. Бу Мустақиллиги-

мизнинг 30 йиллик тўйига ажойиб тўёна бўлиши кутилмоқда.

Шу ўринда бир тақлиф – иложи бўлса, ойлик маошларимиз қайта кўриб чиқилса, яхши бўларди.

**Қодиржон БОЙДЕДАЕВ,
Давлатобод туманидаги
«Қуйи Ровустон»
маҳалла фуқаролар
йўғини раиси.**

БИЛАСИЗМИ ?

2024 йил 1 июлга қадар асосий фаолият тури паррандачилик бўлган тадбиркорлар учун асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдоридан қўлланилади.

НЕГА ШИФОКОРГА ЖОНИМИЗДАН ЎТИБ КЕТГАЧГИНА БОРАМИЗ?



Саратон — ҳар қандай инсонни кўрқувга соладиган дард. Ушбу касаллик ёшу қарини аямайди. Юртимизда ҳар йили 800 нафар болакайга саратон ташхиси қўйилади. Бундан 30 фоизигина даволашни ҳамда тузалиб кетиш имкониятига эга. Шунингдек, ҳар йили 3,5 мингдан ортиқ аёллар кўкрак беzi саратони, 1,5 мингга яқин хотин-қизлар эса аёллар касалликларидан вафот этади.

Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча инсонлар тақдири, онасиз қолаётган гўдақлар ноласи ёки фарзанд доғида фарёд чекаётган ота-оналар борлигини унутмаслик керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, бундай касалликларга чалинган кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Дунёда миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланади. Энг кенг тарқалган 10 та саратон касаллиги турига 60 фоиз янги касалланиш ҳолатлари ва 70 фоиз ўлимлар тўғри келади. Юртимизда аёлларда кўкрак беzi саратони 1-ўринда, ўпка саратони 2-ўринда, ингичка ичак саратони 3-ўринда туради. Ундан кейинги ўринларни простата беzi саратони ва ошқозон саратони эгаллайди.

— Саратон касаллигини эрта аниқлаш орқали жуда кўп муаммоларга чек қўйиш мумкин, — дейди **Инновацион ривожланиш**

вазирлиги Технологиялар трансфери бошқарма бошлиғи Жамолиддин Бобохонов. — Канада-Словения компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда саратон касаллигини эрта босқичда антитаначалар орқали аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш борасида иш олиб бораёмиз. Ўзбекистонда кимдир саратонни эрта аниқламоқчи бўлса, қон топширади, қон махсус лабораторияга ва қўшни мамлакатларга жўнатилади. Уни аниқлаш учун тахминан 2 ой вақт кетади. Саратонни эрта аниқлаш учун нафақат вақт, балки маблағ ҳам сарфланиши табиий. Бу каби амалиёт Ўзбекистонда бўлмагани учун аҳоли 2 миллион сўм атрофида харажат қилишига тўғри келади. Агар амалиёт Ўзбекистонда йўлга қўйилса, 500 минг сўмга, яъни 4 баробар арзонга тушади. Бу эса ҳозирда мавжуд бир қанча муаммоларга чек қўйиши мумкин.

Дарҳақиқат, саратоннинг барча турларида касалликка қарши курашишнинг энг самарали усули — тезкор аниқлаш. Мутахассислар фикрига кўра, буйрак саратонининг 1-босқичида касаллик аниқланса, 10 нафар бемордан 9 нафари яшаб кетади. Аммо баъзи ҳудудларда эрта ташхис қўйиш учун асбоб-ускуналар,

лаборатория жиҳозлари етарли бўлмагани боис касалликни 1-босқичда аниқлаш имконияти йўқ. Бемор пойтахтга етиб келгунига қадар эса касаллик 3-4 босқичларга ўтиб кетиши мумкин.

Муаммо нимада?

Аксарият ҳолларда касаллик охириги нўқтага келиб қолганида мурожаат қиламиз. Кейин эса тушуниб-тушунмай, шифокорларни айблаймиз. Ваҳоланки, бу касаллик қанча эрта аниқланса, даволаш ҳам самара бериши, ҳатто тузалиб кетиши исботланган. Чунки бугунги кунда янгидан-янги дорилар ихтиро қилинса-да, уни фақатгина бошланғич нўқсидан энгис ёки бемор умрини узайтириш билан чекланиб қолинмоқда. Ривожланаётган давлатлар ва қашшоқ мамлакатларда айнан саратон билан боғлиқ ўлим кўрсаткичи юқори. Нега? Чунки касалликка қарши доридан тортиб уни ташхислаш жараёнига жуда катта маблағ талаб этилади.

Айнан онкология борасида барча ҳудудларда бир қанча муаммоларнинг аниқлангани ҳам рост. Ўтган йили соғлиқни сақлаш тизимида 30 млрд. сўмдан ортиқ маблағ талон-торож қилинган ҳолатлари кўзга ташланиб, хусусан, онкология марказининг

Тошкент филиалида 828 млн. сўм ўзлаштириб юборилган. Аслида ушбу миллионлар қанчадан-қанча одамлар учун таянч бўлиб қолиши мумкин эди. Шунингдек, саратон касаллигини даволашда ишлатиладиган дори-дармонларнинг қимматлиги кўпчиликни саросимага солиб қўяётгани, беморни даволатиш учун яқинлари бор-будуни сотаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Ҳамма ўз вазифасини сидқидилдан бажарса...

Қувонарлиси, жорий йилда айнан саратон касаллиги билан боғлиқ барча жараёнларга Юртбошимизнинг ўзлари эътибор қаратди. Бу борада тизимли ишлар яратилиши борасида кўрсатмалар бериш билан бирга, шахсан ўзлари беморлар билан учрашгани барчани руҳлантириб юборди. Беморларда тузалиб кетиш умиди уйғонди.

Афсуски, бизда энг ёмон ҳолат, бу — қачонки бирон-бир муаммога Президент эътибор қаратсагина бошқа мансабдорларнинг шу масала билан шуғуллана бошлашидир. Аслида эса ҳар бир мутасадди ўз ишини вақтида виждонан бажарса, ҳеч бир соҳада талон-торожлик ва тартибсизликка ўрин бўлмас эди.

Саратон шундай хасталикки, бунда ўлимни билиб турса-да, беморда ҳам, унинг яқинларида ҳам умид учқунни милтиллаб тураверади. Айнан шу хасталик туфайли хайрия қилишни илтимос қилиб чиқаётган юртдошларимиз ҳам талайгина. Яшаб кетиши кам фоиз кўрсаткичда дейилса-да, хорижга бориб жарроҳлик амалиётини ўтказиш илинжидан юрганлар ҳам кам эмас. Ҳар бир касалликда тўғри ташхислаш, сўнгра тўғри даволаш чораларини қўллаш муҳим. Биргина хато бир инсон умрига чек қўйиши ёки касалликни оғирлаштириб қўйиши мумкин. Бунинг учун эса бизда тайёрланаётган малакали шифокорлар, яъни кадрлар масаласига ва бугунги таълимдаги услубларнинг самаралари ҳамда хорижий мутахассислар билан тажрибалар алмашишни йўлга қўйишга зарурат бор. Онкология ёрдами такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун давлат бюджетидан 2021 йилда қўшимча 60 млрд. сўм, 2022 йилдан бошлаб эса йилига 125 млрд. сўмдан кам бўлмаган миқдорда пул ажратилиши режалаштирилган. Демак, олдинда қиладиган ишлар ҳали кўп.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«РАИСЛАР ВЕЛОСИПЕДДАН ФОЙДАЛАНГАНИ МАЪҚУЛ»

Маҳалламиз ишлаб чиқариш зонасида жойлашган, 30 та катта-кичик корхоналар мавжуд. Шунингдек, аҳоли чорвачилик ва томорқасида деҳқончилик билан ҳам шуғулланишади. Ўзини ўзи банд қилганлар талайгина.

Тадбиркорлик ишини очмоқчи бўлганларга кредит олишда кўмаклашяпмиз. Қачонки, бандлик ўз ўринда қўйилса, яъни аҳолининг ойлик даромади бўлсагина оилавий хотиржамлик ва соғлом муҳитдан умид қилиш мумкин. Бунинг учун эса меҳнат қилиш керак.

Биздаги муаммо, бу — ичимлик сув. Сувни катта машиналарда

келиб сотиб кетишади. Улар билан шартнома қилганмиз. Ҳар куни кўчама-кўча машиналарда сув келади. Ҳар ким эҳтиёжидан келиб чиқиб сотиб олади. Маҳалламизга сув келтириш бўйича ишлар бошланган. Бу дастурга ҳам киритилган. 2022 йилда аҳоли юз фоиз сув билан таъминланиши режалаштирилган. Маҳалламиздаги 22 та кўчадан 19

таси тўлиқ асфальтлаштирилган. Қолган кўчалар янги такшил этилган. Бу кўчаларга йил якунига ҳеч бўлмаса шағал ётқизиб берилса, яхши бўларди.

Яна бир гап. Айни дамда маҳалламизда ёппасига коронавирусга қарши эмлаш бўляпти. Аҳолига барчаси тушунтирилган. Ҳамма хайрихоҳ ҳолатда келиб вакцина олиб

кетишяпти. Эмланиш жараёнида ҳам маҳалла раислари бош-қош.

Таклиф. Маҳалла раиси ўзи ҳаракат қилмаса, четган келиб ҳеч ким унинг ишини қилиб бермайди. Ёки ҳудудидаги муаммони ҳал этмайди. Бутун маҳаллани ҳар куни эрталабдан туриб велосипедда айланиб чиқаман. Доим велосипедда юраман. Тежамкор транспорт.

Бу соғлиқка ҳам кони фойда. Ҳеч бўлмаганда манзилга етиб олиш учун велосипедни бўлгани яхши-да. Бошқа маҳалла раисларига ҳам велосипеддан фойдаланишни тавсия этаман.

Зоҳид ҚУВОНДИҚОВ, Нарпай туманидаги Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР БАНКЛАРНИ ЖАРЛИККА ЭЛТАДИ... (МИ?)


Марказий банк биринчи ярим йиллик бўйича айрим маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, жорий йил 1 июль ҳолатига банк тизимида жами кредитлар қолдиғи 300,4 трлн. сўмга етган. Ушбу кредитлар ичида муаммоли кредитлар (NPL) улуши 5,6 фоизга ёки 16,8 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Ўтган ҳафта иккита йирик давлат банки — «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» айнан муаммоли кредитлар салмоғи кўпайиб кетгани сабабли кредитлашни вақтинча тўхтатди.

Хўш, банклар нега бу ҳолатга келиб қолди? Кредит ажратишда уларни қайтариш имкониятлари ҳисобга олинмайдими? Айни ҳолат иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади?

— Тижорат кредитларини ажратишни вақтинча тўхтатган ҳар икки банк ҳам Давлат дастурлари доирасидаги имтиёзли кредитлар ажратилиши тўхтатилмаслигини маълум қилган, — дейди таниқли иқтисодчи **Отабек Бакиров**. — Қизик, нега улар айнан энг муаммоли, риски жуда баланд ва маржиналлиги паст бўлган кредит маҳсулотларини молиялаштиришда давом этишади? Бу йўл билан қандай қилиб портфелни соғломлаштириш мумкин? Қолаверса, нега айнан тижорий кредитлар ажратилиши тўхтатилгани тушунарсиз. Нафақат ушбу икки банкда, умуман барча тижорат банкларида портфелнинг нисбатан соғломроқ ва маржиналлик қисми айнан тижорий шартларда ажратилган кредитлардир. Мен тижорий кредитлар муаммоли бўлмайди, демаяпман. Лекин тижорий шартларда, ташқи маъмурий босимсиз ажратилган кредитларнинг муаммоли қисми Давлат дастурлари доирасидаги кредитларнинг муаммоли қисмидан каррасига паст.

Кредит нега муаммога айланмоқда?

Кўриниб турибдики, иқтисодиётга қанча кўп маблағ киритилмасин, корхоналарнинг кредит қопламаслик ҳолати ва оилавий тадбиркорлик дастурлари бўйича муаммоли кредитлар кўпаймоқда. Ўтган уч йил давомида ҳудудий дастурлар доирасида 16 триллион сўмлик кредит ҳисобига амалга оширилган 4,2 мингта лойиҳанинг 50 фоизи, жорий йилдаги 11,5 триллион сўмлик



2,6 мингта лойиҳа бўйича эса 80 фоиз пул тушумлари банкдан ташқарида айланмоқда.

Ҳар ой якунида банк ходимларининг кредит ундириш учун маҳаллаларда уйма-уй юриши, ундирилмаган кредитларга қараб иш ҳақлари берилиши ёки ўша иш ҳақи ва устамалар «кесиб» ташлалиши бор гап. Қайси банк ходими билан гаплашманг, жуда кўп режа ва топшириқлар мавжуд бўлса-да, барчасини йиғиштириб, фақат ажратилган кредитларни ундиришга мажбур бўлаётганини айтади. Банкларда кредит ундируви бўйича алоҳида Мониторинг бўлинмалари очилса ҳам, Мажбурий ижро бюроларига турли ваколатлар берилса ҳам ушбу масала банк тизимининг оғрикли нуқтасилигича қолмоқда.

Бунга нима сабаб бўлмоқда? Бунда мижозга кредит ажратишда турли сарсонгарчиликларга йўл қўйилаётгани (айримлар кредит олишда қанча қийналган бўлса, банк ходимларини ҳам шунча овора қилгиси келади), кредит ажратиш тизими ҳалигача марказлаштирилгани, мижознинг кредит ҳужжатларини мутахассис сифатида профессионал ўрганилмаслигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳалигача кредит ажратишда мижознинг гаров таъминоти асосий эътибор қаратилмоқда. Аслида эса, гаров таъминоти энг охириги манба сифатида қаралиши зарур. Кредит

ажратишда мижознинг айланма маблағлари таҳлили, аввалги кредитлари тарихи юзаки ўрганилмоқда ёки сохта ҳужжатларга асосан кўриб чиқилмоқда.

Қайси тармоқларда қарздорлик юқори?

Тан олиш керак, бугунги кунда берилаётган кредитларнинг охири йўқ. Барча соҳалар турли кўринишдаги имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда энг ёмон ва сифатсиз портфель ҳам айнан Давлат дастурлари доирасида молиялаштирилаётган кредитлардир. Банклар жами портфели бўйича муаммоли кредитлар улуши 6 фоиз атрофида бўлса, масалан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасидаги кредитлар кредитлар 15 фоиздан ошиб кетган.

Бошқа Давлат дастурлари, ташрифлар ва турли маъмурий босимлар остида ажратилаётган кредитлар сифати ҳам шунинг атрофида. Имтиёзли кредитлар шунчалик тартибсиз бериб ташланганки, қарздорликни қоплашда ижрочи томонидан хатлаш учун қўлга илинадиган ҳеч қандай мулк йўқ — қарздорнинг кредитни ёпишга на пули, на шу асосда олган маҳсулоти (чорваси) ва на таъминоти бор. Шундай таассурот уйғонадики, **кредитлар фақатгина пул олиш мақсадида, «кўзбўямачи-**

лик» учун олинган.

Шунингдек, кредит маҳсулотлари ичида энг соғломи ҳисобланган **ипотека кредитлари** бўйича ҳам муаммоли кредитлар улуши ортмоқда. Бир йил ичида муаммоли ипотека кредитлари улуши 0,3 фоиздан 1,6 фоизгача кўтарилган. Қорақалпоғистон ва Жиззахда бу кўрсаткич 3,3 фоизга етган. Бошқача айтганда, қатор ҳудудларда ипотека кредитлари ўзининг самарали маржиналлигини йўқотиб бормоқда. Ҳа, биз энди муаммоли ипотекалар бўйича ундирувни ипотека объектига қаратиш ишлари фаоллашишини ҳам, норозиликларни ҳам кўришимиз мумкин. Бусиз бозор бўлмайди.

Таҳлилларга қараганда, яхши ниятда бизнес бошлаган тадбиркорларнинг омади келмаслиги ёки банкрот бўлишининг асосий сабаби — **уларнинг уқувсизлиги экан.** Маблағ бору, соҳа бўйича кўникма йўқ. Кредит олгану, уни мақсадли сарфламайтирилади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётганларда бу кўп учрамоқда. Бу борада бир савол туғилади: юрак ютиб ишбилармонликка қадам қўяётганларга ким йўналиш бериб, ўқитиши керак? Балки шундай тизимни йўлга қўйса, муаммоли кредитлар миқдори камайиб, кутилаётган фойда ҳам ошар. Бунда жуда катта харажат қилиш ҳам шарт эмас, мисол учун, шунчаки кредит ажратаётган банклар ўз веб-сайти, «Youtube» канали орқали ҳам узоқ йиллик тажрибага эга мутахассисларнинг онлайн дарсларини йўлга қўйиши мумкин.

Нима қилиш керак?

Ҳозирда ҳар йилгидан кўпроқ кредит ажратилаяптими, демак, уни ундиришни ҳам тизимли, замонавий ва дунё стандартлари

бўйича қонунийлаштириш вақти келди. Бунинг учун, масалан, халқаро тажриба асосида қарзни ундириш учун **коллектор тузилмалардан** фойдаланиш мумкин. Коллектор фирмалар муаммоли кредитни банкдан арзонроқ баҳода сотиб олади ва ўз хизматини устига қўйиб, мижоздан ундириб олади.

Қолаверса, кредит ажратишда энг асосий эътибор — унинг **жорий фаолиятига қаратилиши** лозим. Унинг жорий айланмаси қайси фаолиятга йўналтирилган, бозордаги аҳволи қандай, умуман, жорий йўналишларини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, юқоридаги икки банк сингари муаммоли кредитлар улуши етарли нормага тушгунга қадар **кредит ажратишни тўхтатиб туриш** мумкин.

Агар юқоридаги ҳолатларда кредитлар тўлик тушунчалар берилиб, оилавий шароити ҳисоб-китоб қилиниб, тўғри мақсадларда ажратилганда, айрим «уддабурон» таъминотчи корхоналар виждонини сотиб, маҳсулотни икки баробар қиммат нархга сотмаганида, одамларни банд қилиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида бундан-да яхшироқ усуллардан фойдаланилганда, **бунча кўп қарздорликлар йиғилиб қолмасди.**

Яна бир гап: бу ўринда имтиёзли кредитларнинг мақсадли сарфланиши ҳам доимий мониторинг қилиниши керак. Йўқса, банк ходимлари ҳали-ҳамон уйма-уй юриб кредит ундираверади, кимим бўлмагани ҳисобига ресурс йўқлигини айтиб, банклар кредит ажратишни пайсалга солаверади. Барчаси шунчалик бир-бирига боғланганки, тизим тўғри йўлга қўйилсагина бу борада самара бўлиши мумкин.

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

Бугун дунё бўйлаб ўрмон ёнғинлари авжида. Давлатлар, табиат, инсонларга мислсиз зарар келтираётган ёнғинларни айрим ҳолларда террористик ташкилотлар уюштираётган бўлса, баъзан одамларнинг эҳтиётсизлиги, дам олиш қондаларига амал қилмаслиги сабаб бўляпти.

Ёнғинлар ҳатто тинч, осуда Ўзбекистонимизда ҳам содир бўлди. Масалан, ўтган кунларда Зомин тоғларидаги ёнғинлар натижасида юзлаб дарахтлар нобуд бўлиб, экологияга катта зарар етди. Аммо бу мақола ўрмон ёнғинлари тўғрисида эмас.

Шу ҳафтанинг шов-шувли воқеаларидан бири Бурчмулла ўрмон хўжалиги, умуман, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолияти, бошқача айтганда, у ердаги коррупцияга оид, деб даъво қилинаётган ҳаракатлар билан боғлиқ. Маълум бўлишича, қўмита тизимидаги Бурчмулла ўрмон хўжалиги кипарис дарахти хариди юзасидан ўтказилган танловда учта корхона иштирок этган. Қизиғи, мазкур иштирокчиларнинг бари айна бир шахсга тегишли. Хўжаликнинг аввалги танловларидан бирида эса раҳбарнинг ўғлига тегишли корхона ғолиб, деб топилган.

ЖАЗО МУҚАРРАР БЎЛСА, МАНФААТЛАР ТЎҚНАШМАЙДИ

Хўш, ўзи нима бўлган эди?

Бурчмулла давлат ўрмон хўжалиги корхонаси Қайнарсой комплексида кўкаламзорлаштириш ишлари учун кўчат харид қилиш мақсадида танлов эълон қилган. Танлов натижаларига кўра, «МТМ Таъминот» МЧЖ 2,5-3 метрлик кипарис дарахтининг ҳар бирини 270 минг сўмдан, жами 1640 та кўчат харид қилиш учун танлаб олган ва шартнома тузилган. Шартнома қиймати — 442,8 млн. сўм.

Танловда, шунингдек, «Мунис Келажак Иқбол» ХК (ҳар бир кипарис дарахт учун 275 минг сўм таклиф қилган) ва «Мега Барака Соф» МЧЖ (ҳар бир кипарис дарахт учун 300 минг сўм таклиф қилган) ҳам ўз таклифлари билан иштирок этган. Юқоридаги учала корхона ҳам бир кишига — Эгамбердиев Равшан Валиевичга тегишли.

Ушбу шахсга тегиш-



ли бошқа бир корхона — «ЭРВ Султон Томорқа Хизмати» МЧЖ май ойида Бурчмулла давлат ўрмон хўжалигига 377,4 млн. сўмлик туядарахт етказиб берган.

Қайнарсой комплексида кўкаламзорлаштириш ишлари учун кўчат харид қилиш мақсадида 203,6 млн. сўмлик қора арча ва туядарахт учун етказиб берувчи сифатида «Хожимурод-Абдували ўғли» фермер хўжалиги танланган. Бу хўжалик Абдували Абдужалиловга тегишли. Маълумотларга кўра, у Бурчмулла давлат

ўрмон хўжалиги корхонаси раҳбари Абдужалилов Абдукарим Абдураимовичнинг ўғли ҳисобланади.

Расмийлар нима дейди?

Нима ҳам дейиш мумкин? Албатта, танловда учта бир хил исм-шарифли учта фуқаро қатнашиб қолган, деб айтиш одамларнинг устидан кулиш бўлади, холос. Шу боис бўлса керак, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳалигача бу борада бирор-бир изоҳ берганича йўқ. Аммо илгарироқ Молия вазири ўринбосари Одилбек Исоқов

оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида давлат харидларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида бир тадбиркор томонидан тузилган 3-4 та фирма аукцион ёки тендерда қатнашиши ва ўша фирмалардан бирининг ғолиб бўлиши бу ҳақиқий рақобатни билдирмаслигини таъкидлаб ўтганини айтиш керак.

Умуман, бу каби ҳолатлар кейинги пайтларда тез-тез содир бўлиб тургани тўғрисида аввал ҳам мақолалар эълон қилинган. Жумладан, газетамизда ҳам

«Давлат харидлари бўйича қонунбузилишлар нега давом этапти?» сарлавҳаси остида таҳлилий мақола чоп этилган. Бу каби мавзунини кўтармаган, айтмаган нашр, интернет портали ҳам қолмади, ҳисоб. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги 141 млрд. сўмлик 458 та танловда қонунчилик талаблари бузилганлиги тўғрисида ҳам баёнот берган.

Хўш, унда нега бу каби ҳолатлар камаймаяпти? Бизнингча, бунинг жавоби оддий: одамлар, масъулларда жазодан кўрқиб ҳисси йўқолиб қолди. Бу каби ҳатти-ҳаракатлар, ҳатто матбуотга маълум бўлиб қолган ишлардан сўнг ҳам сувдан қуруқ чиқишларига ишонишмоқда. Бизнингча, жазолар муқаррарлигини таъминламай туриб, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши курашишнинг ҳеч бир имкони йўқ.

Улуғбек
ИБДОИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«КЎЧАБОШИЛАР МАСАЛАСИ КЎП АЙТИЛДИ, АММО...»

Маҳалламизда 4 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шукрки, одамларимиз ўзига тўқ, меҳнаткаш. Бизда бирорта бекорчини топа олмайсиз. Одамларимиз боғдорчилик, кўчатчилик билан шугулланишади.

Бизда, асосан, гилос, олма, ўрик, анорчилик ривожланган. Шунга қарамай, 120 нафар фуқароларимиз Россия ва бошқа давлатларда меҳнат миграцияси орқали ташкилоти қилишмоқда. Бу оғриқли нуқталаримиздан бири.

Тўғри, уларнинг оилаларидан тинимсиз хабар олиб турилади. Телефон рақамлари рўйхати шакллантирилган. Чет элда қайси ташкилот, идорада ишлаётганлари, қанча маош олаётгани, қандай шароитларда

яшаётганигача биланамиз. Аммо шу йигит-қизларимиз юртимиз, маҳалламизда бўлишганида барча хавотирларимиз йўқоларди. Бунинг ягона чораси оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва кредитлаш тизимини янада такомиллаштиришда, деб биланаман.

Кейинги йилларда маҳалламиздаги кўплаб муаммолар ҳал этилди. Йўллар асфальтланяпти, бугун-эрта ичимлик суви қувурлари марказий тармоққа

уланиш арафасида. Мактаб, боғча таъмирдан чиқарилган. Қишлоқ врачлик пункти узлуксиз ишляпти. Болаларимиз учун ажойиб спорт майдончаси қурилди. Бу борада аҳолининг шикоятлари йўқ. Тарғибот ишларимиз натижасида 70 фоиз одамларимиз корона вирусга қарши эмлаш ҳам олиб бўлишди.

Жорий йил оилавий ажралишлар кузатилмади. Аммо ўтган йили иккита ажралиш бўлган. Буларнинг бири шундоқ ҳам узок

йиллардан буён бирга яшамасди. Иккинчиси эса учинчи шахс аралашуви сабаб бўлган.

Газетани ўқиб боряпмиз. Маҳалла фаолларини қийнаётган қатор масалалар юзасидан кўплаб мақолалар эълон қилиняпти. Жумладан, кўплаб маҳалла раислари кўчабошиларни рағбатлантириш чораларини кўриш лозимлиги тўғрисида таҳририят орқали чиқишлар қилишди. Шахсан мен мазкур таклифларни

юз фоиз қўллаб-қувватлайман. Кўчабошиларга ишимиз кўп тушади. Аммо уларни рағбатлантиришга ҳеч бир имконимиз йўқ. Баъзан уялиб ҳам қоламиз. Ўйлайманки, тез орада мазкур масала тегишли идоралар томонидан ҳал этилади.

Фароғат
ТОЖИДДИНОВА,
Қува туманидаги
«Қалинпўстин»
маҳалла фуқаролар
ийғини раиси.

ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АЛДАМАЯПМИЗМИ?

Юртимиз ёшлари эришаётган юксак натижалар барчамиз учун қувонарли, албатта. Аммо ўша ғалабаларнинг айримлари аслида ҳеч қаерда тан олинмас-чи?

Бу саволимдан ҳайрон бўлманг. Чиндан, дунё миқёсида фан олимпиадалари ва танловларида мана шу каби икки хил қараш мавжуд. Тан олинган ва эътироф этилган танловлардан ташқари, шунчаки пул топиш учун уюштирилган анъанавий «спектакл»лар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, Қозоғистонда ҳар йили ўтайдиган ««МДХнинг энг ёш олими» танловини ҳам кўпчилик ана шундай статистик мусобақа ҳисобламоқди.

Санъатшунос Нодира Миржонованинг таъкидлашича, бу танловга Ўзбекистондан ҳар йили кўплаб талабгорлар бўлади.

— Минг таассуфки, танлов натижаси бир хил баҳоланади, — дейди **Н.Миржонова**. — Қатнашдигизми, АЛБАТТА СИЗ 1-ЎРИННИ ОЛАСИЗ! Ҳеч қайси иштирокчи 2- ёки 3-ўрин олмайди. Қатнашиш учун маълум миқдорда тўловни амалга ошириб, электрон тарзда битта



мақола жўнатсангиз бас! Кейин почтани пойлашга сабр керак. Ва ниҳоят, сизга мовий рангли, олтин суви билан безатилган думалоқ медалча ва икки энлик хат ҳамда гувоҳнома этиб келади. Юқорида ёзилганидир, сиз 1-ўринни эгаллаганингиз қайд этилган.

Мени ҳайратга солаётган ҳолат шундаки, ушбу танловда ҳеч қандай 2- ёки 3-ўрин йўқ. Қизик, қатнашганлар қандай илмий кашфиёт қилишибдики, «Энг ёш олим» деб эътироф этилса?

Кўкрак кериб танловда ғолиб бўлганларнинг илмий соҳа-

даги бирор кашфиёти бўлмай туриб, бундай эътироф этилиши тўғримики?

Афсуски, бундай «кўзбўямачилик»дан беҳабар оломон ғолибларни олқиш-лаш билан овора. Илм қилиш, бирор соҳани чуқур эгаллаш ва «олим» мақомини олиш осон иш эмас!

Аммо ўзимизни ўзимиз алдаб келамиз. Балки улар орасида ҳақиқий илмий ёндашувга таянган ёш тадқиқотчилар бордир. Лекин амалий натижаси «кома» ҳолатдаги бемордай чалажон-ку?!

Ушбу фикрлардан кейин интернет тармо-

ғининг ўзбек сегментидан айна танлов бўйича қидирув бердим. Ажабки, ўнлаб ўзбек ёшларининг бу танловда ғолиб бўлгани ҳақида хабарлар чиқиб келди. Ажабланарлиси, бу каби хабарларни тарқатган ОАВлар орасида нуфузли давлат телевидениеси ва босма нашрларини ҳам учратиш мумкин. Таҳлиллардан киши ҳайратга тушади. Бир йилда қатнашган ғолибларимизнинг барчаси 1-ўринни олган. Биз эса уларни айро тарзда кўқларга кўтарганмиз.

Мисол учун, «Файзулло «МДХнинг энг яхши ёш олими – 2021» ғолиби», «Боғдоқлик ўқитувчи МДХнинг энг яхши ёш олими бўлди», «Ўзбекистонлик ўқитувчи МДХнинг энг яхши ёш олими деб топилди», «МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган «Йилнинг энг яхши ёш олими — 2021» танловида Ўзбекистон вакили 1-ўринни эгаллади» каби хабарлар қаҳрамонлари сезга-

нингиздек 2021 йилги танловнинг 1-ўрин соҳиблари бўлишган. «Академик лицей ўқувчиси «МДХнинг энг ёш олими – 2020» танловида ғолиб бўлди», «Ургутлик талаба МДХда йилнинг энг яхши ёш олими бўлди», «Бир гуруҳдан уч ғолиб ёки ҚҚДУ талабалари «МДХнинг энг яхши ёш олим»лари бўлишди» каби хабарлардаги ғолиблар эса 2020 йилда қатнашиб, 1-ўрин соҳиб бўлган.

Тан олиш керак, бу каби илмий изланишга қўл урган ёшлар ҳаракатини олқишлаймиз. Аммо юқоридаги каби танловларда ғолиблик орқали ўзимизни ўзимиз алдамаяпмизми?

Хўш, бу танлов юртимизда тан олинганми? Ушбу савол билан Ўзбекистон республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига мурожаат қилдик. Келгуси сонимизда бу ҳақда батафсил тўхталамиз.

**Абдурахмон
ФАЙЗИЙ.**

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«АСОСИЙ «ДРАЙВЕР»ИМИЗНИ АНИҚЛАБ ОЛДИК»

Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашув – «Анджон тажрибаси» асосида бизнинг маҳаллада ҳам аҳолининг азалдан шаклланган меҳнат кўникмасидан келиб чиқиб, «ўсиш нуқта»лари аниқланмоқда.

Ҳозирча маҳалламиз «драйвери» сифатида – чеварчилик, паррандачилик, асаларичилик ва иссиқхона йўналишлари танланди. Бугунги кунда 20 нафар аёлимиз имтиёзли кредит асосида тикув машиналари олиб, чеварчилик билан шуғулланишмоқда. 15 та хонадонда иссиқхона қурган бўлса, 10 та оила асалари олиб боқишяпти. Битта оила эса 100 та товук катаги билан олди. Яна 68 та оила товук олиш учун ариза беришган.

Маҳалламизда деярли ишсиз йўқ. Эрта баҳорда 60 нафар ишсиз аҳолига деҳқончилк билан шуғулланишлари учун 10 сотихдан ер берилган бўлса, ғалладан бўшаган майдонлардан яна 77 нафар аҳолига ер майдони ажратилди. Эрта баҳорда сабзи ва картошка экканлар биринчи даромадини олиб, такрорий экин экишди. Ғалладан бўшаган майдонларда эса сабзи, макка, полиз маҳсулотлари парваришланмоқда.

Маҳалламизнинг 5 та кўчаси ҳашар йўли билан шағалланди. 4 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Шу орқали аҳолимиз тўлиқ ичимлик сув билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, янгиланишлар, ислохотлар аста-секин натижа берапти.

**Одина МАМАЖОНОВА,
Бўстон тумани
«Сариқ жўга»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.**

МЕНДА САВОЛ БОР... ?

Велосипед ҳайдовчиси маст бўлса, текширилиши мумкинми?

– Биламизки, автомашинани маст ҳолатда бошқарган шахс тиббий текширувдан ўтказилиб, тегишли жарима қўлланилади. Агар велосипед ҳайдовчиси маст бўлса, текширилиши мумкинми?

**Ботир БҮРИЕВ.
Тошкент шахри.**

**Зафар РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:**

– Албатта, текширувдан ўтказилади. Агар текширишдан бўйин товласа, унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 735 минг сўм миқдорда жарима қўлланилади.

«ДЕНГИЗ ДЕВИ ҚЎЛГА ТУШДИ!!!»

Сарлавҳага эътибор қилманг. Унинг қуйидаги мақола билан мутлақо алоқаси йўқ. Ихтиандр қўлга тушмаган. Бундан ташқари, ягона денгизимиз Оролни ичиб, тугатиб ҳам бўлганмиз. Машҳур кинофильмда газета сотаётган болалар харидорларни чақириш учун ишлатадиган иборадан атай фойдаландим. Чунки мамлакатимизда яна бир шов-шув бўй кўрсатмоқда.



Айрим оммавий ахборот воситалари томонидан иддао қилинишича, республикамиз энергетика тизими раҳбарияти 30-100 миллион сўмдан ортиқ — 3 мингдан 10 минг долларгача маош олишаётган экан. Ош бўлсин. Ойликлар қанча оширилса, халқ фаровонлиги ҳам ортиб бораверади. Коррупция камаяди ва ҳоказо. Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Айнан шу тизимнинг ўзида оддий ишчининг бир ой тер тўкиб қўлига оладиган иш ҳақи 1,5 миллион сўм — 140 долларга етиб-етмай қолади, холос. Узоққа бормайлик. Ўзимизнинг маҳалла тизимида ҳам барча асосий ишлар, топ-

шириқларни бажарадиган раис ва бошқа фаолларнинг иш ҳақи 2 миллион сўм — 200 долларга ҳали етганича йўқ.

Дардим сиғмас дунёга...

Яна бир бор айтаман, ич сарлавҳаларнинг ҳам мақола мазмунига дахли йўқ. Дунё қанча дард бўлса ҳам сиғдираверади. Шу пайтгача дардлардан қоқ иккига бўлиниб кетмадики, бундан буён ҳам ёрилмайди. ОАВга сиздирилган маълумотларга кўра, оддий ишчилар зўрға кун кўраётган бир пайтда, энергетика тизимидаги юқори лавозимли раис ва раис ўринбосарларнинг ойлик иш ҳақлари 30 миллион сўмни таш-

кил қиляпти. Эксперт комиссия ва кузатув кенгаши аъзолари ҳар йили бир марта 200-300 миллион сўм алоҳида пул мукофотлари олишади. Яна бир маълумотга кўра эса, тизимдаги бўлим бошлиқлари 12 миллион сўм — 1200 доллар олишади. Янги ишга келган оддий ишчиларга эса синов муддати сифатида узоқ муддатгача маош тўланмайди. Ана адолату мана адолат...

Маълумотлар эълон қилинмайдими?

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳали бирор-бир расмий ташкилот томонидан тасдиқлангани йўқ. Оммавий ахборот воситаларининг маса-

лага ойдинлик киритишни сўраб мутасаддиларга қилган мурожаатлари ҳозирча жавобсиз қолмоқда. Журналистлар раҳбарларнинг маошлари давлат сири ҳисобланмаслиги тўғрисида тегишли ташкилотларни огоҳлантиришган. Таҳририятимиз ҳам масала юзасидан изох сўраб, тизим матбуот хизматларига мурожаат қилди. Матбуот хизматлари тез орада муносабат эълон қилинишини билдиришди. Аммо суҳбат жараёнидан тушунилишича, тизим ойлик иш ҳақлари, мукофотлар тўғрисидаги маълумотларни барибир эълон қилмоқчи эмас.

Қайси қилган иши учун?

Ҳар куни маҳалла раислари билан суҳбатлар чоғида бир нарсга амин бўламиз. Ҳудудлардаги асосий муаммолардан бири, бу — электр тармоқларининг эскиргани билан боғлиқ. Юзлаб маҳаллаларда қўлбола симёғочлар инсонлар ҳаётига хавф солиб турибди. Бутун бир кўчани ток билан таъминлайдиган симлар оддий «рейка» симлар оддий «рейка» ёки ингичка теракка осиб қўйилган. Дарахтлар, хонадонлар оралаб томлар устига шунчаки ташлаб қўйилган симлар бор. Трансформаторлар етишмайди. Борлари ҳам эскирган. Озгина ёгингарчилик, шамол турса, дарров чироқ ўчадиган ҳудудлар қанча?

Фалон дастурга киритилиб, ҳамон бажарилмаган вази-фалар-чи? Маҳалла раисларимиз мазкур муаммоларни гапириб чиқишса, мурожаатлар йўлласса, «отангга бор, онангга бор» тарзида сарсон қилиниши ҳам ҳақиқат. Охирида трансформатор ўрнига бир қоп жавоб хати, ваъдалар билан қуруқ қолаётгани ҳам бор.

Бу масалани ҳатто, «Ҳудудий электр

тармоқлари» акционерлик жамиятининг ўзи ҳам тан олган. Ёдимизда, қиш ойларидаги электр узлишлари, ёзда чиққан муаммоларга тармоқларнинг кучланишни кўтара олмаётгани сабаблардан бири сифатида келтирилган. Хўш, унда 10 минглаб доллар мукофоот қаердан? 100 миллион сўм — битта мукофоот пули эвазига нечта маҳалланинг тармоқдаги муаммолари ҳал бўлади?

Раҳбарлар маоши тўғрисида очик портал керак

Вазиятнинг кетуви, ҳеч кимнинг муносабат билдиришни ис-тамаётганидан сезиб турибмизки, энергетика тизими масъулари ойлик иш ҳақлари миқдори тўғрисидаги маълумотларни эълон қилмайди. Бу масала охирига етмайди. Натижада мавзу юзасидан миш-мишлар кўпайиб боради. Ҳозир 300 миллион сўмгача мукофот олинаётгани тўғрисида гапирилган бўлса, эртага бу рақам одамлар орасида 500, 700 деб ҳам айтилади.

Бизнинг-ча, юқоридаги каби гап-сўзларни камайтириш, ойлик иш ҳақлари тақсимотида адолатли тизимни ўрнатиш учун ойлик иш ҳақлари тўғрисида очик портал ташкил қилиниши лозим. Бу услуб давлат харидлари масаласида анча самара бермоқда. Қинғирликлар, етарлича муносив жазо олмаётган бўлса-да, ҳар ҳолда халққа ошкор бўлиб қоляпти. Одамлар кимнинг аслида ким эканини тушуниб боришяпти. Зеро, мансабдор ва масъулларнинг ойлик иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотлар ростдан ҳам давлат сири эмас. Бунинг очик порталга жойланиши мамлакатга ҳеч бир зарар етказмайди.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ҚУРУҚ ВАЪДА БИЛАН ҚОРИН ТҮЙМАЙДИ-КУ?..»

Маҳалламиз Фарғона водийсида зиёлилар ҳудуди сифатида машҳур. Биздан ўнлаб фан номзодлари, фан докторлари етишиб чиққан. Олий маълумотли фуқароларимиз жуда кўп. Балки шу боис бўлса керак, маҳалла номи ҳам «Бузрукўрғон», ҳозирда бу атама халқ тилида «Бузқўрғон» деб аталади.

Юқоридагилар сабаб бўлса керак, муаммоларимиз ҳам кўп эмас. Борларини бирлашиб ҳал этамиз. Масалан, ичимлик сув муаммоси етишмовчилиги жорий йил буткул ҳал этилди. Ҳозирда ҳар бир хонадонда тоза ичимлик сув жўмраклари бор.

Боғдорчилик, жумладан, томорқаларда иссиқхона ҳўжаликлари ривож топган. Бизда 30 га яқин лимончилик билан шуғулланадиган оилалар бор.

Шу билан бирга, муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, кўчаларни асфальтлаштириш ишларини жадаллаштириш керак. Иккинчидан, бир неча кўчаларимизда электр токи қуввати жуда паст. Чироқлар помидорга ўхшаб нур сочади, совуткич, музлаткич ва бошқа электр буюмларини ишлатишнинг имкони паст. Мазкур масала юзасидан жуда кўп марта тегишли идораларга мурожаат қилганмиз.

Сайёр қабулларда айтилган. Аввалги ҳокимимиз даврида ҳам бир неча марта ваъдалар берилди. Аммо қуруқ ваъда билан иш битиб қолмас экан. Бизга битта трансформатор қўйилмаса, бу масала ҳал бўлмайди.

Юсуфжон МАДАЛИЕВ, Ўзбекистон туманидаги «Бузқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ЗАРАРЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ РЕКЛАМАСИ ҚАЧОН ЧЕКЛАНАДИ?

АҚШда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатдаги болалар телевизор томоша қилиш жараёнида ўртача ҳар беш дақиқада битта озиқ-овқат рекламасини кўрадилар. Афсуски, реклама қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарияти шакар ва ёғларга бой, тез тайёрланадиган таом, ёрма, газланган ширин ичимликлар ва конфет каби маҳсулотлардир.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай реклама-ларнинг 10 ёшгача бўлган болалар учун таъсири кучли, улар рекламани тўғри маълумот сифатида қабул қилишга мойил ҳисобланишади. Болаларда нотўғри овқатланиш одатлари шаклланиди, натижада, кўп болалар соғлом овқатланиш тартибига риоя қилмасликка ўрганишади.

Зарарли озиқ-овқат маҳсулотларининг болаларга таъсири камайтириш учун кўплаб мамлакатларда болаларга қаратилган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари рекламаси ва бошқа маркетинг усуллари чеклаш чоралари амалга оширилиб келинади. Хусусан, **Бирлашган Қиролликда** болалар орасида семирish даражаси юқори бўлганлиги сабабли ҳукумат томонидан ёғ, туз ёки шакар миқдори юқори бўлган овқатларни телевидение орқали 18:00 дан 21:00 гача эфирга узатиш қатъиян тақиқланган. Тадқиқотлар болаларни телевизор олдида вақт ўтказишлари, асосан, мактабдан кейинги соатларга, хусусан, оила давраси билан кўриш вақтига тўғри келишини кўрсатди.

Норвегия, Швеция ва Канаданинг Квебек шаҳрида болалар телевидион дастурлари пайтида барча реклама тақиқланган. Квебекда 1980 йилда махсус қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида 13 ёшгача бўлган болаларга тез тайёрланадиган овқатни сотишни тақиқлаган биринчи ҳужжат ҳисобланади. Қонун қабул қилингандан сўнг тез тайёрланадиган овқат истеъмоли 13 фоизга камайган. Канаданинг

бошқа ҳудудларида болалар семирishининг кескин ўсиши кузатилган, Квебекда эса аксинча, болаларда семирishнинг энг паст кўрсаткичлари қайд этилган.

Жанубий Кореяда 2008 йилда болаларнинг телевидион асосий томоша қилиш вақтларида (17.00 дан 19.00 гача) носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари рекламаларини тақиқлаш бўйича қонуний ҳужжатлар қабул қилинган. **Чилида** олти ёшдаги болаларнинг ярмидан кўпи ва катталар аҳолисининг 75 фоизи ортиқча вазнга эга. 2016 йилдан бери Чилида телевизор ёки радиода 20:00 дан 22:00 гача болалар аудиториясига мўлжалланган носоғлом, айниқса, мультфильм қаҳрамонлари акс этган носоғлом овқатларни реклама қилиш ва мактабларга яқин жойларда сотишни тақиқловчи қонун қабул қилинди. Қонун талабларига кўра, бундай маҳсулотларни қадоклашда соғлиқ учун хавфли бўлган оғоҳлантисувчи ёрлиқлар ҳам бўлиши керак.

2014 йилда **Мексика Соғлиқни сақлаш вазирлиги** соғлом озуқани тарғиб қилиш моделига мувофиқ, озиқ-овқат ва шакарли ичимликлар рекламасини чеклайдиган қарор чиқарди. Чекловлар томошабинларнинг 35 фоиздан кўпроғи 13 ёшгача бўлган, иш кунлари соат 14:30 дан 19:30 гача ва дам олиш кунлари соат 7:00 дан 19:30 гача бўлган теледастурларга нисбатан қўлланилди. Ушбу чекловга шакарли ичимликлар, картошка чипслари, шоколад ва бошқа қандолат маҳсулотлари киритилди.

Ирландияда томошабинларнинг 50



фоиздан кўпроғи 18 ёшгача болалардан иборат бўлган телевидион ва радио дастурларда ёғ, шакар ва натрийга бой озиқ-овқат маҳсулотларини реклама қилиш, ҳомийлик қилиш ва тарғиб қилиш тақиқланган. 18 ёшгача бўлган болаларга қаратилган ҳар қандай рекламада таниқли шахсларнинг иштирок этиши ман этилган. Носоғлом озиқ-овқат маҳсулотларига оид рекламалар барча каналлардаги пуллик рекламаларнинг 25 фоиздан ошмаган миқдорда берилиши мумкинлиги белгиланган.

Нигерия ва Таиландда барча озиқ-овқат рекламалари миллий ҳукумат органлари томонидан тасдиқланиши шартлиги ўрнатилган. **Сингапурда** ёшлар ўртасида ширин ичимликларни тарғиботини олиб бориш тақиқланган. Сингапур Миллий университети ва жамоат саломатлиги бўйича тадқиқотчи Саломе Антонетте Ребеллонинг фикрича, кейинги мантиқий қадам тақиқни барча носоғлом озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ўрнатишдан иборат бўлиши лозим.

ЖССТ тадқиқотлари

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йилга келиб 5 ёшгача бўлган 39 миллион болалар ортиқча вазнга эга бўлган. Ортиқча вазнли ва семирish кетган болалар эса соғлиғи билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келиши мумкин.

Жумладан, уларда 2-тоифали диабет — юқори қон босими, астма ва бошқа нафас олиш муаммолари, уйқунинг бузилиши ва жигар касалликларига чалиниш хавфи юқори бўлиши аниқланган. Шунингдек, улар ўзларига паст баҳо бериш, депрессия ва ижтимоий изоляция каби психологик таъсирлардан азият чекишлари мумкин.

Дунёнинг аксарият минтақаларида шакарли ичимликлар истеъмоли юқори, ва аксинча, овқатланиш сифати паст эканлигини кўриш мумкин. Ширин ичимликлар таркибида сахароза ёки фруктоза каби қўшимчалар мавжуд бўлиб, улар кунлик рационнинг кўп қисмини эгаллайди. Ширин ичимликлар таркибидаги калория паст озуқавий аҳамиятга эга ва фойдали озиқ-овқат маҳсулотлар каби тўйинганликни таъминлаб бермайди. Натижада, умумий энергия сарфи ошиши мумкин, бу эса вазн ортиришга олиб келади.

ЖССТ таъкидлашича, болалар семирish кетишининг олдини олиш ва соғлом озиқ-овқатлар тўғрисида тўғри тушунчаларни ривожлантириш учун давлатлар зарарли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини реклама қилишни тартибга солиш бўйича янада кенг қамровли ёндашувларни қўллашлари керак.

Ўзбекистонда кўрилган чоралар

Ўзбекистонда аҳолининг соғлом турмуш тарзини

қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилган. Президентимизнинг «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қароридан ЖССТ тавсиялари асосида болаларга қаратилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар маркетингини тартибга солиш ҳамда рақамли ва чакана савдо муҳитида болалар ва ўсмирлар учун туз, қанд ва ёғ миқдори белгиланган меъёрлардан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кучли газланган, рангли, ширин ҳамда энергетик ичимликларнинг маркетингини тартибга солиш бўйича топшириқлар белгиланган.

Бироқ натижалар ҳали кўзга ташлангани йўқ. Айниқса, носоғлом озиқ-овқат маҳсулотларига, кучли газланган, рангли, ширин ҳамда энергетик ичимликларга оид рекламалар ва савдолари тарғиботида ҳеч қандай чегара йўқ. **Бу борада** юқоридаги давлатларнинг қонун тажрибасини ўрганиб, миллий қонунчилигимизни яратишимиз лозим. **Йўқса,** бизнинг фарзандларимизда ҳам ортиқча вазн, диабет, юқори қон босими, астма ва бошқа нафас олиш муаммолари, уйқунинг бузилиши ва жигар касалликларига чалиниш хавфи ортиб бориши мумкин.

Лазиза ШАРИФОВА,
Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги мутахассиси.

НЕГА ОДАМЛАР СОЛИҚ РЎЙХАТИДАН ЎТИШГА ЧЎЧИШАДИ?

Ўтган йилдан буён ўзини ўзи банд қилиш борасида яхлит тизим яратилди. Бу борада фуқароларга қулайлик ва имтиёзлар берилди. Давлат солиқ қўмитасининг маълумотига кўра, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 852 минг нафардан ортиқ фуқаро ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатига олинган. Уларнинг 310 минг нафардан зиёдроғи — ёшлардир. Хўш, ўзини ўзи банд қилишдаги афзалликлар ва муаммолар нималардан иборат?

Ўзини ўзи банд қилиш — ўз ишини ўзи топиб, уни ўзи бажариш орқали даромад кўриш демакдир. Уларнинг фаолияти «Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом» билан тартибга солинади. 2021 йил 1 август ҳолати бўйича 68 турдаги фаолият билан ўзини ўзи банд қилиш мумкин. Хошишга кўра, уларнинг бир нечтасини бирваракайига танлаш мумкин. Ўзини ўзи банд қилиш учун тўлов йўқ.

— Бунда фуқаролар икки йўл билан рўйхатдан ўтиши мумкин, — дейди **Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Дилдора Ҳошимова**. — Туман солиқ инспекциясига мурожаат қилинса, ходим анкета тўлдирди ва солиқ тўловчининг шахсий кабинетини ёки «Soliq» мобил иловаси орқали мустақил равишда рўйхатдан ўтиш мумкин. Чекланмаган муддатга рўйхатдан ўтилади. Анкеталар тўлдирилганидан кейин ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисида QR-кодли маълумотнома берилади. Шунинг ўзида ижти-



мой солиқни ҳам тўлаш мумкин, бунинг учун пластик карточкаси ҳисоб рақами ва амал қилиш муддатини киритиш кифоя. Ўзини ўзи банд қилиш мақомидан исталган вақтда воз кечиш ва фаолиятни тўхтатиш мумкин. Бунинг учун ҳам «Soliq» иловаси орқали солиқ органини хабардор қилиш керак бўлади. Буни фаолиятни тўхтатгунга қадар амалга ошириш лозим.

Қанча пул топса — ўзиники

Ўзини ўзи банд қилишнинг фойдали жиҳатлари кўп. Биринчи навбатда, бу уйда ишлаш учун қонуний имконият. Иш стажини юритилади, бу — кексаликда кафолатланган пенсия нақд дегани. Даромад солиғи ёки бошқа йиғимлар йўқ. Бир йилда БҲМнинг 1 баравари миқдорда ижтимоий солиқ тўлашнинг ўзи кифоя. Ўзини ўзи банд

қилганлар яқка тартибдаги тадбиркорлар сингари бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисобот юбориш ёки солиқ декларациясини топширишлари шарт эмас. Даромад ва харажатларни ихтиёрий равишда «Soliq» иловасида тўғридан-тўғри кузатиб боришлари мумкин.

Улар ҳеч қандай суғурта ва бошқа йиғимларни тўлашмайди. Банкда ҳисоб-рақами очиш ва юридик шахслар билан пул ўтказиш йўли билан ишлаши мумкин. Ўзини ўзи банд қилганларда ойлик ёки йиллик даромад бўйича ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Ойига 10 млн. сўм ишлаб топса ҳам, ҳеч ким фаолиятини тўхтатиб, ЯТТ ёки МЧЖ очишга мажбурламайди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатга олинаётганда улар ҳақидаги маълумотлар Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасига

киритилади. Кейинроқ у Ягона миллий меҳнат тизимига (ЯММТ) интеграция қилинади, шунинг учун иш стажини расман ҳисобланади. Бироқ иш стажини ҳисобга олиниши учун ижтимоий солиқ тўланиши лозим. Тизим оддий: йил учун солиқ тўланса, бир йиллик иш стажини ҳисобга олинади.

Ўзини ўзи банд қилганлар учун пенсия миқдори яқка тартибдаги тадбиркорларники каби ҳисобланади. Пенсия ёшига етган вақтда зарур иш стажини мавжуд бўлса, пенсия минимал миқдорда — 565 минг сўм (2021 йил 1 июль ҳолатига кўра) бўлади. Агарда иш стажини етарли бўлмаса, давлат ҳар ойда 400 минг сўм (2021 йил 1 июль) миқдорда нафақа тўлайди.

Меҳнат таътиллари йўқ...

Аслида олганда, юртимиз бўйича 850 минг нафар кишининг рўйхатдан ўтгани кам миқдор ҳисобланади. Хўш, нега одамлар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ рўйхатидан ўтишга чўчишади? Кўпчилик солиқ тўлашдан қочишга ҳаракат қилади гўё. Бунинг боиси бу борада тушунча ва йўл-йўриқни билмаслигидадир. Бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Аксарият маҳалла расилари билан гаплашилганда, ўзини ўзи банд қилганлар бор, дейишади. Аммо уларнинг ҳам орасида етарлича маълумотга эга эмаслиги кўриниб қолади. Барча ўзини ўзи банд қилганлар ўз ишларини мустақил равишда бажаришлари керак, яъни ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланиши мумкин эмас. Улар учун даволаниш ва меҳнат таътиллари йўқ. Касал бўлиб қолса ва маълум бир муддат иш-

лай олмаса, ҳеч ким йўқотилган пулларни тўлаб бермайди.

Шу боис меҳнат фаолиятини узоқ муддатга тўхтатиш керак бўлиб қолса, бу ҳақда солиқ органини огоҳлантириш керак. Шундан кейин ишлаган вақтлари учун ижтимоий солиқни тўламаса ҳам бўлади. Бу вақт давомида иш стажини ҳам ҳисобга олинмайди.

Кредит — муаммо...(ми?)

Ўзини ўзи банд қилганларнинг энг катта муаммоси, бу — кредит масаласига бориб тақалаяпти. Ўн нафар фуқародан саккиз нафари кредит олишда қийналаётганини айтади. Айни пайтда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кредит олиш учун аризаларни Ягона электрон платформа орқали қабул қилиш йўлга қўйилмоқда. Президентнинг жорий йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 1 апрелдан бошлаб ўзини ўзи банд қиладиган фуқароларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, хунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хомашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн. сўмгача миқдорда кредит маблағлари нақд пулда бериладиган бўлди. Бу кредит борасидаги янги қулайликлардан биридир.

Хулоса шуки, ўзини ўзи банд қилиш орқали ҳар қандай киши меҳнат стажига, даромадга ва пенсия таъминотини таъминлашга эриша олиши мумкин. Фақат мавжуд қулайликлардан тўғри ва оқилона фойдаланиб иш юрита олиш муҳим.

Нилуфар ЮНУСОВА.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«БАЪЗИ ОИЛАЛАРНИ ЯРАШТИРИШНИНГ ИЛОЖИ ЙЎҚ...»

Маҳаллага 11 йилдан бери раислик қиламан. Икки йил ичида маҳалламизда жуда кўп ишлар қилинди. Газ, сув, электр ва ичимлик суви каби муаммоларга барҳам берилди. Худудимиз кичик шаҳарчада бўлгани боис бизда ҳамма ўзини ўзи банд қилган.

Ишсизлик йўқ. Маҳалламиздаги бозорнинг ўзи кўпчиликнинг рўзғорини бутламоқда. Бундан ташқари, ҳар хил кичик цехлар мавжуд. **Муаммоларни ҳал этяпмиз.** Ҳамма йўлларимиз асфальтлаштирилган. Фақат иккита кўча қолган. Йил якунигача буларни ҳал қилиш ниятидамыз. Учта кўчадаги симёғочлар алмаштириш ҳолатида. Биласиз, бугунги кунда интернетсиз ишлаб

бўлмайди. Идорамиз учун интернет керак бўляпти. **Яна бир гап.** Оилавий ажралишларда баъзи ҳолатларда уларни яраштиришнинг умуман иложи бўлмайди. Йиллар давомида жанжалли бўлган, ҳаттоки эр бошқасига уйланган, хотин бошқасига эрга тегиб кетган ҳолатлар бор. Бундай вазиятда нима қилишни билмай қоламиз. **Таклиф.** Маҳалла раислари бошқа

ишларга жалб этилмаса, яхши бўларди. Шусиз ҳам ишимиз кўп. Мурожаатлар кўпайган. Маошимиз кам. Раисларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш керак. Рағбат бор жойда ишда унум бўлади.

Олтиной ИСКАНОВА, Пахтачи туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҚОВУНЛАР «УРУШИ» ҚАНДАЙ ЯКУНЛАНАДИ?

Дунёга турли қилиқлари билан ном таратган россиялик сиёсатчилардан бири Владимир Жириновский кунеча Москва шаҳри дўконлари бўйлаб полиз, мева-сабзавот маҳсулотларининг сифатини текшириш, улар таркибдаги захарли моддалар миқдорини ўлчаш билан кун ўтказди.

Владимир Вольфович Ўзбекистондан келтирилган қовунларда нитратлар миқдори юқори эканини айтиб, бундай маҳсулотларни ҳарбий полигонларда йўқ қилиш керак, дея таъкидлаган. Унинг фикрича, бу — биологик ва кимёвий урушининг шакллари билан бири экан.

Сиёсатчи нималиги номаълум, қўлидаги қандайдир асбоб билан Арманистондан келтирилган ўрик таркибини ҳам текшириб кўрди. Унинг айтишича, ўрик истеъмолга яроқли. Шунга ўхшаш ҳолат баҳор ойларида Ўзбекистондан борган гилослар масаласида ҳам содир бўлгани ёдимизда. Ўшанда россиялик бюртамачилар бизнинг маҳсулотларни турли арзимас баҳоналар билан қайтара бошлашган эди.

«Селитра» отлиққа йўғу нитрат қаердан...

Бу томошадан беихтиёр «Ол-а», деб юборасан киши. Биз бугун Ўзбекистонда полиз маҳсулотлари етиштириш усулларини жуда яхши биламиз. Мева-сабзавотлар таркибида нитратлар

миқдорининг ошишига сабаб бўладиган «селитра» қишлоқ хўжалигида ишлатилмай қўйилганидан ҳам хабаримиз бор. Азот фермер хўжаликларида пахта ва ғалла учун ўлчаб тарқатилади. Уни бошқа экинларга ишлатиб юборганлар яхшигина жазоланиши ҳам маълум.

Тўғри, турли йўллар билан кимёвий ўғитлар полиз эгалари ихтиёрига ҳам келиб қолади. Аммо бу жуда кам миқдорда. Бир пайтлар қовун-тарвузларни ғўза орасида етиштириш ҳам одат тусига кирган эди. Кимёвий ўғитларга роса тўйинган полиз маҳсулотлари индамай Санкт-Петербург, Москва бозорларида сотилаверган. Ўзбекистондан келган бу маҳсулотларнинг харидорлигини айтмайсизми. Одамлар қовун харид қилиш учун соатлаб навбат кутгани ҳам рост. Тошкентдан борган меҳмон администраторга битта қовун совға қилмаса, меҳмонхонага жойлаша олганини ҳам биламиз.

Ана шу хотиралар, ўзбек мева-сабзавотлари, полизининг рус бозорларида эришган катта обрў ва эътирофи кимлар-

гадир ёқмаяпти чоғи. Владимир Вольфович ҳар хил ҳақиқатга мос келмайдиган иддаолар билан чиқавермай, юқоридаги воқеаларни ҳам бир эслаб қўйса ёмон бўлмасди. Умуман олганда эса, кейинги пайтларда Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан фаол ривожланаётган муносабатлари тез орада қишлоқ хўжалигимиз учун асосий йўналиш юқори қийматли бошқа бозорларга бурилиши мумкинлигидан далолат беряпти. Экспортимиз бирикки эмас, ўнлаб, юзлаб мамлакатлар томон юра бошлайди. Ана шунда бир бозор эгаларининг турли сиёсий ўйинларга қараб қолмаймиз.

Кейинги бир неча йил ичида бу каби ҳолатлар кўпайиб бораётганини ҳаммамиз биламиз. Аммо бу ишлардан кимга фойда? Ўзбекистон учун рус бозори ҳозирча энг асосийси бўлса-да, ягона экспорт йўналиши эмас. Юқоридаги каби ҳолатлар йўналишимиз ўзгаришини янада тезлаштириши мумкин. Ана шунда рус тадбиркорлари ўзбек қовунларини Туркия ёки Белорусь тадбиркорлари орқали учинчи қўл бўлиб қимматига олишга



мажбур бўлишади. Йирик сиёсатчи турли иддаолар билан чиқишдан илгари масаланинг мазкур томонларини ҳам ўйлаши керак эди.

Ўзимизда ҳам айб бор...

Тўғри, Жириновскийга аччиқ қилиб, турли гапларни айтиб ўтириш осон. Аммо масаланинг бошқа томонларини ҳам кўриш керак. Биз жаҳонда белгиланган стандартларнинг асосий қисмига амал қилишни бошлаб, уларни аккредитациядан ўтказмас эканмиз, бу каби хуружларга нисбатан ҳеч қандай жавоб қайтара олмаслигимиз тайин. Улар нима дейишса ҳам ҳақ бўлиб қолаверишади. Зеро, бизда дунё тан олган сифат сертификати мавжуд эмас.

Мисол учун, мамлакатимизда йилига 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилади. Уларнинг экспортини ташкил этишда белгиланган меъёрларга амал қилиш зарур бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини синаш бўйича Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига кўра, 775 та стандарт

мавжуд. Мамлакатимизда уларнинг 100 тадан кўпроғигина жорий қилинган, булардан 10 тадан ортиғи халқаро даражада аккредитациядан ўтган. Мазкур ҳолат корхоналарининг маҳсулотларининг экспорт қилиши, импорт товарларнинг эса сифатини текширишда қийинчиликлар туғдириши табиий.

Президентимиз бошчилигида мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида қатор ишлар амалга оширилипти. Жумладан, 2019 йил июль ойида «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли инспекцияларга озиқ-овқат сифати бўйича халқаро стандартларни 500 тага етказиш, тўлиқ синовлар ўтказиш имконига эга лабораториялар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилганди.

Аммо шунча пайт ўтдики, халқаро аккредитациядан ўтган кўплаб стандартлар тўғрисида эшитмадик. Масъуллардан айни мулоҳазаларимизга жавоб кутиб қоламиз.

Улуғбек
ИБОДИНОВ.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ПИЁДАЛАР ЙЎЛАГИНИ ҚУРИШ УЧУН ЯНА ФАЛОКАТ КЕРАКМИ?»

Хонлиқлар даврида нимадир сабаб бўлиб Хоразмнинг Урганч шаҳридан бир гуруҳ одамлар Қўқонга кўчиб келади. Қўқон хонлари уларни мамлакатнинг турли ҳудудларига жойлаштирган.

Битта Урганчи қишлоғи Андижон вилоятида, Қўқон шаҳри атрофида эса тўртта Урганчи бор. Шундан бири бизнинг маҳалла.

Мазкур маҳаллалар одамларининг шеvasи ҳам бошқа ҳудудларникидан фарқ қилади. Айрим сўзлар кўпроқ хоразмчага тортиб кетади. Ҳудудимизда шолчиликнинг ри-

вож топганини ҳам шу воқеалар билан боғлашади. Одамларимиз мағзи тўқ, ширин девзира гуручларини етиштирадilar. Шунингдек, полиз — жуда маззали қовун, тарвузлар ҳам бизда кўп экилади.

Муаммоларимизнинг энг асосийси ва зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлгани ҳудудимизни Қўқон

шаҳри билан боғловчи йўл бўйлаб пиёдалар йўлакчаси қурилишидир. Бу — жуда долзарб масала. Трассада борган сари қатнов кўпаймоқда. Болаларимиз шу йўл бўйлаб икки километргача юриб мактабга қатнашади.

Пиёдалар йўлакчасининг йўқлиги боис учта ўлим билан тугаган автофалокат юз берган. Барча-

си мактаб болалари. Каттароқлари-ку йўл қоидаларига амал қилади. Ҳалок бўлган гўдаклар эса бошланғич синф ўқувчилари. Мазкур масалада мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Бир амаллаб қурилишни ҳам бошлаб олгандик. Аммо у тезда чала қолиб кетди.

Билмадим, қурилиш давом этиши учун яна

қандай фалокат содир бўлиши керак экан. Ўйлайманки, тегишли идоралар тез орада гўдаклар ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мазкур масалани тўла ҳал этишади.

Ўқтамжон
НОМОЗОВ,
Бувайда туманидаги
«Урганчи» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.

Хўжақўрсинга олиб борилаётган «ОБОДОНЛАШТИРИШ» ИШЛАРИДАН МУДДАО НИМА?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Обод маҳалла» дастури кўплаб юртдошларимиз ҳаётини фаровон қилди. Ҳал қилиб бўлмайдигандек туюлган кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалалар жуда тез фурсатда ечим топди, маҳаллалар кўркем қиёфага кирди, одамларга қулайликлар яратилди.

Аммо, афсуски, ҳамма жойда ҳам бу борадаги ишлардан аҳоли хурсанд эмас. Хусусан, пойтахтимиздаги айрим маҳаллаларда яшовчилар ижтимоий тармоқлар орқали норозилигини билдирмоқда. Бир неча кун аввал айрим маҳаллалардаги тушунарсиз, хўжақўрсинга олиб борилаётган «ободонлаштириш» ишлари бўйича шикоятлар, эътирозлар жамланиб, «Бордюрийинлари ёхуд баъзи маҳаллаларда ободончилик ишлари қандай бормоқда?» номли мақола эълон қилинди. Унда далил сифатида фотосуратлар ҳам келтирилган.

Одамлар бекорга норози бўлаётгани йўқ. Ҳақиқатан ҳам,



қурувчилар «қўли теккандан» кейин айрим жойлар бор файзу тароватидан ҳам маҳрум бўлмоқда.

Масалан, «Чилонзор-2»даги «Макро» қаршида жойлашган маҳаллада бордюрлар бир неча ҳафта ичида икки марта (?) алмаштирилди. Бу жараёнда кўпқаватли уйлар ҳовлисидаги кичик

дарахтзорлар, гулзорлар, ўйин майдончаларига зиён етди, коммуникация люклари қум, шағал билан тўлди. Аҳоли, чанг-тўзон ва шовқиндан азият чекди. Мирзо Улуғбек тумани «Камолот» маҳалласидаги уйларнинг кириш-чиқиш «подъезд»лари бетонлаштирилипти. Лекин бордюрлар қинғир-қийшиқ

ўрнатилди. Йўлак эса махсус техника воситалари юролмайди даражада тор бўлиб қолган.

Бундан ташқари, маиший-коммунал хўжалик коммуникацияларига жиддий путур етказилган. Ҳаммаёқда қурилиш чиқиндилари сочилиб ётибди. Бошқа талай маҳаллаларда ҳам қурилиш ишлари номигагина амалга оширилипти.

Албатта, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Бироқ бундай ҳолатлар камчилик эмас, ишга масъулиятсизлик билан ёндашиш, нўноқликдир.

Одамлар тилга олаётган салбий ҳолатлар маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро мулоқот, ишларни муво-

фиқлаштириш бўйича тизимнинг йўқлигини кўрсатади.

Шунингдек, ижро органларига аҳоли билан бамаслаҳат иш тутишга нима ҳалақит беради? Ахир, маҳаллалардаги айрим масканларни одамларнинг ўзлари маслаҳатлашиб, пул йиғиб таъмирлаган, бунёд этган. Бундан ҳисобга олиш зарур. Туманлардаги идоралар тегишли режалар, чизмалардан халқни хабардор қилса, одамларнинг таклифлари, хоҳиш-истакларини инобатга олса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нодир АБДУВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«БАЪЗИ ХОНАДОНЛАР МАКТАБДАН 7-8 КИЛОМЕТРГАЧА УЗОҚДА ЖОЙЛАШГАН»

Маҳалламиз Бандихон тумани таркибига ўтганига бир йилга яқинлашди. Аввал Бойсун тумани ҳудудига кирар эдик. Йиғинимизда 2,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Муаммо кўп. Аммо аста-секин ечим топиб борапти. Асосий масала — ҳудуд жуда тарқоқ эканидир. 530 та хонадон 18 километр радиусда жойлашган. Бу бошқарув, коммуникациялар ва бошқа соҳаларда камчиликларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, ҳудудимиз чўл зонаси. Деҳқончилик қийин. Суғориш учун сув муаммо. Шу боис аҳолининг асосий қисми чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда ўртача 25-30 бош қўй боқилади. Айримларнинг подаси 100-200 бошга етади. Қолаверса, деярли ҳар бир хонадонда 3-4 бошдан қорамол боқилади. Йилқичилик билан шуғулланадиганлар ҳам бор.

Чорвачилик — сердаромад касб. Шунинг учунми, ҳудудимизда камбағал, бировнинг қўлига қараган аҳоли йўқ, ҳисоби. Деярли ҳаммининг машинаси бор, аҳолининг асосий қисми ўзини ўзи банд қилгани боис ишсизлар сони 12 кишини ташкил қилади, холос.

Мавжуд иккита шебен заводиди 40 нафарга яқин ёшларимиз меҳнат қилмоқда. Жорий йил йирик керамика корхонаси ишга туширилиши кутилмоқда. Бу ерда ҳам анча одам қўшимча иш билан таъминланиши турган гап. Тўқислик бўлган жойда ажралишлар ҳам бўлмайди, дейишарди. Бу гап тўғри экан, бизда ҳам бир неча йил ичида бирорта ажраши кузатилмади.

Юқорида айтганимдек, асосий муаммомиз — аҳолининг тарқоқлигидан келиб чиқмоқда. Бунда симёғочларни алмаштириш, сим тортиш, йўлларни тартибга келтириш қийин бўляпти. Бундан ташқари, болаларнинг мактабга қатнашлари ҳам қийинчилик туғдиради. Баъзи хона-

донлар мактабдан 7-8 километргача узоқликда жойлашган. Худди шундай, боғча, ҚВП ҳам кўпчиликка узоқлик қилади. Маҳалла идораси, дўкон, сартарошхонага келиб кетиш учун 10 километргача йўл босадиган аҳолигимиз бор.

Таклифлар масаласига келсак, бизда жилла-қурса, мактабга бориладиган йўлларни тезроқ таъмирлаш керак. Симёғочларни алмаштириш зарур. Акс ҳолда қиш ойлари болаларга жуда қийин бўлмоқда. Айрим оилалар фарзандларини ўқишга юбормай ҳам қўйишяпти.

Эркин РАВШАНОВ,
Бандихон туманидаги «Қудуқсой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Тонировка» тартиби ўзгардимми?

— Автотранспортни «тонировка» қилиш бўйича белгиланган янги тартиб бўйича маълумот берсангиз?

Нурилло ИСЛОМОВ,
Тошкент шахри.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Ҳукумат қарорига кўра, 2021 йил 1 октябрдан автотранспортлар ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш бўйича давлат хизмати фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

Шунингдек, автотранспортлар ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишлари автотранспорт воситаси эгаси томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Автотранспорт орқа ойнасининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш), шунингдек, олд ойнасининг тепа қисми тусини 14 см.дан кўп бўлмаган тасмасимон шаклида ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш) учун рухсатнома талаб этилмайди.

Рухсатнома 1 йил муддатга берилади. Ариза берувчи томонидан рухсатнома учун тўлов 10 кун муддатда амалга оширилади. Энг муҳими, фуқаролар ЯИДХП орқали рухсатномани қайта расмийлаштириш бўйича давлат хизмати кўрсатилгани учун тўлов ундирилмайди.

ҲУҚУҚ БОР ЖОЙДА МАЖБУРИЯТ ҲАМ МАВЖУД

Мамлакатимиз барча давлат фуқаролари учун очиқ ва уларнинг ҳуқуқларини Ўзбекистон ҳудудида кафолатлайди. 2021 йил 4 июнь санасида имзоланган «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги қонун аниқ мақсадларни ҳуқуқий томондан тартибга солиши билан аҳамиятлидир.



Чет эл фуқароси — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс ҳисобланса, фуқаролиги бўлмаган шахс — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахслар ҳисобланади.

Ҳужжат билан Ўзбекистон Респуб-

ликаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, мамлакатимиз қонунлари олдида тенг экани белгиланди.

Тўғри, айрим сиёсий берувчи ҳуқуқлар Ўзбекистон фуқаросидан бошқаларга берилмайди. Масалан, Ўзбекистон фуқаросининг сиёсий ҳуқуқи бўлган сайлов ҳуқуқидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фойдалана олмайди. Бундай амалиёт ривожланган давлатларда ҳам амал қилади.

Уларнинг шахси қандай тасдиқланади?

Қонун билан бундай шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудида вақтинча ва доимий туриш тартиби ҳам белгилаб ўтилиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз танловига кўра ўзининг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича жойлаштириш жойларида ёки бошқа уй-жой майдонида, шунингдек, даволаш муассасаларида вақтинча яшashi мумкин. Бунинг

учун улар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиши керак бўлади. Бундай шахсларга сиёсий бошпана бериш тартиби ва шартлари бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилди.

Барча учун керак бўладиган идентификацияловчи карта нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига, балки бир қатор тоифадаги шахсларга ҳам берилади. Қонунда уларнинг тўлиқ номи кўрсатиб ўтилди. Ушбу карталар Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлиш учун, яъни бемалол ҳеч қандай тўсиқларга учрамаслик учун ҳам керак, десак янгилишмаймиз. Чунки ушбу ҳужжат уларнинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Идентификацияловчи карта:

- янги туғилган бир ёшгача бўлган болаларга — **икки йил**;
- бир ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга — **беш йил**;
- ўн олти ёшдан олти ёшгача бўлган шахсларга — **беш йил**;
- олтимиш ёшдан ошган шахсларга — **ўн йил** муддатга амал қилади.

Шунингдек, чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатдан ўтказилган фуқаролигига эса идентификацияловчи карта уларнинг миллий паспортларининг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатга берилади. Бундай муддатларнинг белгиланиши, албатта, инсоннинг табиий ҳолати ва давлатдаги ўрнатилган ички тартиблардан келиб чиқади.



Қандай мажбуриятлар юкланади?

Қўшимча қилиш мумкинки, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи каби инсон учун зарур ва шарт бўлган ҳуқуқларнинг барчаси қонун билан кафолатланган. Аммо шуни унутмаслик лозимки, ҳуқуқ бор жойда мажбурият ҳам мавжуд бўлиб, барча ўз мажбуриятларини бажариши шарт ҳисобланади.

Агар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган даврида жиноят содир этса, у Жиноят кодекси билан жиноий жавобгарликка тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий тарзда чиқариб юбориш қўлланилиши, мамлакат ҳудудига кириши учун тақиқ қўйилиши, шунингдек, уларнинг туриш муддати қисқартирилиши ҳам мумкин. Жавобгарлик ҳуқуқбузарликнинг аҳамиятлилик даражаси ва содир этган муҳитдан келиб чиқиб белгиланади.

Аммо ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс

Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Бундай тартиб ўрнатилганликка сабаб эса бундай шахслар бола ҳисобланганлигидир. Шунингдек, унутмаслик лозимки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар бўлган давлатлар фуқароларининг ҳуқуқларига нисбатан жавоб тартибидеда чекловлар белгиланиши мумкин. Бу ҳолат халқаро муҳитда реторсия деб номланади ва жавоб қайтариш тартибда шарҳланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу қонун шу пайтгача жуда зарур ва долзарб бўлган. Тўғри, шу вақтгача чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати қонун даражасида бўлмаган бошқа нормалар билан тартибга солиниб келинди, аммо ушбу қонун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати муносабатларини тартибга солиши билан бирга, бундай шахсларга бир неча ҳуқуқларни кафолатлаб, уларнинг Ўзбекистонда яшashi учун барча шароитларни мужассам этади.

Гулзада БЕГЖАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош тумани прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси.

БИЛАСИЗМИ?

Ун ва қолипни нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун қуйидагиларга пул компенсацияси берилади:

- 2 ёшгача болалар парвариши учун нафақа ёки моддий ёрдам олувчи оиллага 50 минг сўм;
- 14 ёшгача бўлган болалари учун тайинланган нафақани олувчи оилаларга ҳам 50 минг сўм.

Компенсация нафақалар билан бир вақтда тўланади.

Самарқанд вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳар «Ўрта Хўжа саҳат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Аминжон ДЖАВАДОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

ХОРИЖ СЕРИАЛЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ БИЛАН НИМАДИР ЎЗГАРАДИМИ?

1 августдан бошлаб, Ўзбекистон телеканалларида хорижий сериаллар ўрнига фақат миллий сериалларни намойиш этиш тартиби кучга кирди. Бу ҳақдаги қарор Ҳукумат комиссиясининг 2021 йил 28 январдаги йиғилишига оид 135-сон баёнида акс этган. Хўш, бундан кўзланган мақсад нима? Тақиқ қанчалик самара беради? Нима учун айнан бу масалада ҳам тақиқлаш йўлидан борилмоқда?

Тан олиш керак, сериаллар мавзуси доимо баҳс-мунозаралар майдонига айланган. Шундай бўлса-да, аксарият аҳоли сериалларни севиб томоша қилади. Бугунгача халқимиз, асосан, Бразилия, Корея, Туркия ва Ҳиндистонда яратилган сериаллардан хабардор. Аслида эса, бугунги кун томошабини ўзимизнинг тарихий сериалларга чанқоқ. «Мендирман Жалолидин» сериалини ҳамма интиқлик билан кутди ва кўрди. Аммо бу сериал ҳам биринчи фаслдан кейин тўхтаб қолди. Томошабиннинг хулосаси эса битта: ҳар доим шу аҳвол, биронта сериални охиригача қўйишмайди. Чунки бундай ҳолат бошқа сериалларни эфирга узатиш вақтида ҳам такрорланган. Тўғри, миллий сериалларимиз кўпайган. Аммо сифат ва савия мақтагулик эмас. Баъзи сериалларимиз хорижникидан мутлақо қолишмайди. Аёлнинг хиёнати, беҳаёлик ёки очик саҳналар ўзимизда ҳам талайгина. Нима



қилибди, ҳаётда борини кўрсатяпмиз-да, дегувчилар бор. Томошабиннинг танлаш имконияти йўқ. Эфирга нима кетса, шунга кўради. — Ўтган йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида ОАВда берилган медиа маҳсулотлар мониторинг қилинганда, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ, зўравонлик тарғиб қилинган материаллар сони 580 тани ташкил қилган, — дейди **Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бошқарма бошлиғи Маъмуржон Парпиев**. — Бу ҳолатлар телеграм мессенжери ва ижтимоий тармоқ саҳифаларида бошқа ОАВ турларига нисбатан салмоғи кўпроқ. Маса-лан, термизлик аёлнинг

ўз жонига қасд қилиш ҳолати бўйича илк манба интернет сайт хисобланади. Шунга асосланиб, бутун жамоатчиликнинг эътибори воқеликка қаратилди ва медиа шу хабар билан тўлди. Бу ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилиши ҳолатлари нафақат хориж, балки миллий сериалларимизни ҳам четлаб ўтмаган. Бу клип ва фильмларга кўчди. Телеканалларга тавсиявий характерда ушбу материалларни бермасликни айтганимиз, уларга маҳсулотларда маълум қонунчилик талабларига зид ҳолат кузатилаётгани ҳақида хабар берамиз. Қайсидир ОАВ бундан хулоса чиқаради, айримлари

эса аксинча.

Маълумки, февраль ойидан бошлаб хориж сериалларини бир кунда бир маҳал бериш бўйича кенгаш қарори чиқди. Улар ўрнига миллий сериаллар сонини кўпайтириш талаби қўйилди. Бундан ташқари, бир неча турк сериалларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тарғиб қилинаётгани ҳақида агентликка кўп қабатли мурожаатлар келиб тушди. Хориж сериалларини эфирга бериш орқали оилаларда зўравонлик қилиш нормал ҳолат эканлигини кўрсатиб беряпмиз. Бундай ҳолатлар кейинчалик рўй бермаслиги учун ҳар бир ОАВ қошида бадий кенгашлар ташкил қилиниши лозим.

Нима қилмоқ керак?

Ҳар қандай дастур ва сериал эфирга узатиш экан, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, урф-одатлари, қадриятлари, ахлоқий фазилатлари суиистеъмол қилинмаслиги шарт. Шу билан бирга, сериални телевидение эфиридан олиб ташлаш бу ҳали ечим дегани эмас. Мисол учун, ўтган йили «20'R TV» телеканали орқали «Ховли» номи турк сериали эфирга кетганида, жуда кўпчилик томонидан қаршиликларга дуч келган эди. Сериалда аёллар қамоқхонасидаги ҳолатлар акс этганди. Охир-оқибат сериал эфирдан олиб ташланди. Аммо кўп ўтмай, ўзимизнинг миллий сериалимиз — «Қора атиргул» айнан шу канал орқали намойиш этила бошланди. Бу ҳам айнан аёллар, фақат юртимиздаги аёллар қамоқхонасида акс этган воқеалар ва тақдирлар ҳақида.

Савол туғилади: бу сериал қизларимизнинг тарбиясини бузмай-дими? Ёки бу билан томошабини чанқоғини босмоқчи бўлишдимикан. Бу сериални ҳам савияли, дея баҳо бера олмаимиз. Жорий йил 5 августга қадар эса яна ўша «Ховли» сериалининг иккинчи фасли эфирга узатилди. Яна

тўхтаб қўйилди. Бундай ҳолатда томошабин нима қилади? Албатта, интернет орқали ўша сериални топади ва кўради. Чунки тақиқланган нарсани кўришга қизиқиш ва эҳтиёж катта бўлади.

Агар, бугун биз қайсидир сериални тақиқласак ёки хорижий сериаллардан буткул воз кечиб, савияси ҳаминқадар бўлган ўз сериалларимизни аудиторияга зўрма-зўраки тиқиштириш йўлидан борсак, кундан-кунга сафи сийраклашиб бораётган мавжуд телетомошабини ҳам йўқотамиз. Энг камида унинг дидини ўтмаслаштирамиз, уни танлаш имкониятидан маҳрум қилган бўламиз. Аслида, хориж сериалларидан буткул воз кечиш ҳам ярамайди. Савияли, одамларга нимадир бера оладиган сериалларни кўрсатишимиз керак. Мисол учун, илмий асар ҳисоблаган «Доктор Хаус», детектив асарлар «Пуаро», «Шерлок Холмс» сериалларини ҳар қандай мамлакат томошабини яхши қабул қилиб олади. Бизнинг томошабинлар ҳам бу сериалларни ҳанузгача эслашади.

Энг аввало, биз савиясиз, енгил-елпи, реал ҳаётдан йироқ, фақат маиший масалалар атрофидагина ўралашиб қолган миллий «сериал»ларни суратга олишни бас қилишимиз, ўзаро рақобатда аудиторияни хорижий сериалларга бой бериб қўймайдиган ҳақиқий киноасарларни яратиш устаси жиддий бош қотиришимиз лозим. Агар биз диний, миллий ва ахлоқий қадриятларимиз, шунингдек, тарихий қаҳрамонларимиз ҳаёти ҳақида ўткир сюжетли сериаллар ва фильмлар яратмас эканмиз, эртага ҳам кимлардир томонидан суратга олинган ва отнинг калласидай маблағ эвазига харид қилинган хорижий сериалларнинг жамиятимизга кўрсатаётган салбий таъсири ҳақида нолиб ўтираверамиз.

НИЛУФАР.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ МЕҲНАТИГА ЯРАША ҲАҚ ТЎЛАНМАЯПТИ»

Маҳалламиз ҳудудида тарқоқ тарзда 6 та қишлоқ жойлашган. Аввал 9 та қишлоқ бўларди. Февраль ойида 3 та қишлоқ алоҳида ажратилиб, бошқа маҳалла қилинди. Бу эса иш жараёнини анча енгиллаштирди. Олдинлари барча қишлоқларга бориб келиш учун икки-уч кунлаб вақт сарфлашга тўғри келарди.

Аҳоли, асосан, боғдорчилик ва чорвачилик ортидан кун кечиради. Ҳудуддаги 11 та фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Бу йил боғдорчиликда ҳам ҳосил яхши. Барча хонадонларда майиз тайёрланади. 1 килограмм майиз турига қараб 150 минг сўмгача сотилади. Ишсизлик борасида муаммо йўқ, десак ҳам бўлади. Ҳамма ўзини ўзи банд қилган.

Муаммо бор. Энг катта муаммомиз, бу — йўлларнинг асфальт қилинмагани. Шу пайтгача маҳалламизда бола-

лар боғчаси йўқ эди. Эндиликда давлат томонидан 60 ўринли боғча қурилиши режалаштириб, яқин кунларда қурилиш ишлари бошланиши керак. Йил охиригача боғча фойдаланишга топширилишидан умид қиляпмиз. Маҳалла идораси ҳам йўқ эди. Айни пайтда уни қуришни бошладик.

Ҳудудимизда 2 та мактаб бор. Аммо ҳар иккисида ҳам спорт зали йўқ. Болалар спорт зали нималигини билмай, мактабни битиришяпти. Бугунги ёшлар спортга чанқоқ. Агар спорт билан шугулланиш

учун шарт-шароитлар яратилса, биздан ҳам чемпионлар етишиб чиққан бўлармиди.

Таклиф. Маҳалла раисининг меҳнатига яраша ҳақ тўланмаяпти. Бунга битта мен эмас, ҳамма раислар айтиб чиқишяпти. Ҳаттоки, оддий қоғоздан тортиб, барча иш юритувчи жиҳозларни ўзимиз сотиб оламиз. Бу борада мутасаддилар эътибор қаратишини умид қиляпмиз.

Ўрол МАҲМУДОВ,
Қўшработ туманидаги «Қовунчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Кўчқор Норқобил,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

БАҲОДИР

Жаҳон жиловини кафтида тутган,
Темурни ҳам дунё баҳодир дерди...
Ўзи ерда. Қўли юлдузга етган
Баланд боболаринг зехни зўр эрди...

Сен голиб! Ринг узра дунёнинг кўзи,
Онаниг оқ сутидек кўз ёшинг ҳалол!
Зарбингдан бир қалқиб қўйди Ер юзи,
Бошинг тошдан бўлсин, Баҳодир Жалол!

Ука, тўйларингда тик турай — насиб...
Хизматингда бўлсин менинг қирқ жоним!
Кел энди, қутлайин бағримга босиб,
Шоҳсунада турган Ўзбекистоним!

8 Август, 2021 йил.

ҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР, АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР! «ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ ЮТИБ ОЛИНГ!

Mahalla

ГАЗЕТАСИГА 2022 ЙИЛ УЧУН ЙИЛЛИК ОБУНА БЎЛИБ,
СИЗ АКЦИЯ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНСИЗ.

ҚАР БИР ЮТУҚЛИ ЎЙИНДА

1 та «Nexia 3»
АВТОМОБИЛИ



5 та рангли
телевизор



5 та кир ювиш
машинаси



5 та замонавий
ноутбук



5 та замонавий
музлатгич



ҚАБИ СОВҒАЛАРДАН БИРИНИ ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИГА ЭҒА БЎЛАСИЗ

АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ ЖУДА ОДДИЙ

Сиз ҳудудингиздаги **БАНК ФИЛИАЛЛАРИДА** ёхуд **ИСТАЛГАН МАНЗИЛДАГИ «Paynet»** шоҳобчаси ва «Click», «Payme» тўлов тизимлари орқали газетамизга **БИР ЙИЛЛИК** обунани амалга оширасиз. Бунда тўлов варақасида туман ёки шаҳрингиз, маҳаллангиз номи ва исм-фамилиянгиз ҳамда телефон рақамингиз **ТЎҒРИ ВА ТЎЛИҚ** кўрсатилиши шарт. Тўлов варақасидаги маълумотларингиз тахририят томонидан алоҳида **ТАРТИБ РАҚАМИ** билан белгиланади ва мазкур рақамли маълумотлар «Mahalla» газетасида эълон қилиб борилади. Берилган махсус рақам орқали Сиз ютуқли тиражимизда **ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА** эга бўласиз.

ШОШИЛИНГ!

ЙИЛ ОХИРИГАЧА ЖАМИ 6 МАРТА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЮТУҚЛИ ТИРАЖИМИЗНИНГ БАРЧАСИНИ СИЗ ҚАР ОЙНИНГ СЎНГИ ЯҚШАНБА КУНИ СОАТ 17:00 ДА «МАНАЛЛА» ТЕЛЕКАНАЛИНИНГ «ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» КЎРСАТУВИ ЖОНЛИ ЭФИРИДА КУЗАТИБ БОРАСИЗ.

ОБУНА НАРХИ – 600 000 СЎМ

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ
Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй
Ҳ/р: 2020 8000 0001 9241 7001
АТБ «Туронбанк» М.Улуғбек фил.
МФО: 01154, ИНН: 201 534 659, ОКЭД: 58130

МУРОЖААТ УЧУН (71) 233-10-92
ТЕЛЕФОН (ФАКС): (71) 233-39-89
(97) 146-02-07

УНУТМАНГ, АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИБ, СИЗ ҲЕЧ НАРСА ЮТҚАЗМАЙСИЗ — «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ЙИЛ ДАВОМИДА 52 МАРТАБА ХОНАДОНИНГИЗ МЕҲМОНИГА АЙЛАНАДИ!!!

Батафсил маълумот:
https://t.me/xolis_nazar
<https://www.facebook.com/Xolis-Nazar>
https://www.instagram.com/xolis_nazaruz

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот
ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан
давлат рўйхатидан
ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zguisi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Илҳом БОЛТАЕВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета
тахририят
компьютер
марказида
саҳифаланди ва
офсет усулида
босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 6 босма табак. 7700 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-818 123456